БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 94 (1872) | 12 май, жума, 1961 йил | Баҳоси 2 тийин

ТОШКЕНТНИ ЭНГ ГЎЗАЛ ШАҲАРГА АЙЛАНТИРАЙЛИК

Тошкент — республикамиз пойтахти. Социализмнинг Шарқдаги машъали бўлиб қолган кўркам шаҳримизни кўриш, бу ерга саёҳат қилиб келиш орзусида юрганлар сон-саноқсиз. Дарҳақиқат кўҳна, аммо йигитлардек навқирон шаҳримизнинг кўрки кўз-кўз қилишга арзийди.

Партия ва ҳукуматимизнинг оталарча ғамхўрликлари туфайли Тошкент тарихан қисқа вақт ичида хўжалиги ва маданияти юксак даражада тараққий этган ажойиб социалистик шаҳарга айланди. Тез суръатлар билан ўсаётган республика индустриясининг ядроси, қишлоқ хўжалигини, биринчи навбатда пахтачиликни энг янги машиналар билан қуроллантирувчи йирик саноат маркази Тошкент бўлиб қолди.

Тошкент — республиканинг маданият, фан ва санъат маркази ҳамдир. Шаҳардаги ўнлаб олий ўқув юртлари, техникумлар, юзлаб мактаблар ёшларга билим ва ҳунар ўргатиш хизматида. Республикамизнинг илмий маркази Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ва унинг ўнлаб институтлари пойтахтимизда жойлашган.

Тошкент — Шарқнинг ҳаво дарвозаси. Совет Иттифоқини чет эл шарқи билан боғловчи ҳаво трассалари шу шаҳардан ўтади. Шарқдаги қўшни мамлакатларга саёҳат қилиб борадиган совет гражданлари, чет эл шарқи мамлакатларидан ССРга яхши ният сафари билан келадиган ҳар бир кишн Тошкентга кўниб, бу дилрабо шаҳарни кўрмай, нони ва тузидан тотинмай ўтиб кетмайди.

Мамлакатда коммунизм қурилиши авж олдириб юборилган ҳозирги даврда Тошкентнинг экономикаси ва маданияти янада гуркираб ўсмоқда. Шаҳарда саноат маҳсулотлари турлари борган сари кўпаймоқда, янги-янги ҳашаматли турар жой ва жамоат бинолари қад кўтармоқда, кенг кўламда ободончилик ишлари олиб борилаётир. Агар 1959 йилда уй-жой қурилишига янги пул ҳисобида 10 миллион 900 минг сўмдан ортиқ маблағ сарфланган бўлса 1961 йилда бу соҳага 17 миллион сўм ажратилган. Ободончилик мақсадларига шаҳар Совети бюджетидан 1961 йил учун ажратилган маблағ 1959 йилдагига қараганда 4 миллион сўмдан зиёд кўпдир. Бунга қўшимча равишда турли министрликлар ва саноат корхоналари ҳам ўз йўли билан шаҳарда уй-жой қурилиши ҳамда ободончилик ишларига ҳар йили анчагина маблағ сарфламоқдалар.

Тошкент кўз ўнгимизда кун сайин ўзгариб, борган сари гўзал қиёфага кирмоқда. Янги уй-жой массивлари, оромбахш сквер ва майдонлар, соя-салқин кўча ва хиёбонлар бунёдга келмоқда. Бу жуда ҳам яхши, қувончли бир ҳолдир.

Аммо шуни эътироф этиш керакки, ободончилик ишлари шаҳар хўжалигининг гуркираб ўсишидан жиддий равишда орқада қолмоқда.

Улкан уй-жой массиви Чилонзорни олиб кўрайлик. Бу ерда ҳозир қарийб 20 мингга яқин аҳоли яшамоқда. Массивдаги ажойиб, яшашга жуда қулай биноларни кўриб, киши беҳад қувонади. Лекин бу ерда ободончиликка ҳали етарли эътибор берилмаётгани кишини жуда ранжитади. Асфальт кўчалар ёзда чанг, қишда лой бўлиб ётади. Бу ердаги ариқларда сув жуда камчил. Шунинг натижасида қанчадан-қанча маблағ ва куч сарфлаб экилган дарахт ва гуллар яхши ўсиб, ривожланмаётир.

Шаҳар сув хўжалиги ва районлардаги ремонт-қурилиш конторалари ҳам ободончиликка етарли эътибор бермаётирлар. Сув хўжалиги ишчилари ирригация шохобчаларини тозалайдилар-у, аммо ундан чиққан лой-болчиқ кўча четида қолиб кетаверади. Ремонт-қурилиш конторалари ҳам ҳар хил чиқиндиларни уюм-уюм қилиб, ҳовли ва тротуарларда қолдириб кетадилар.

Шаҳар ижроия комитетининг ободонлаштириш бошқармаси, район ижроия комитетлари Тошкентни энг обод, озода ва гўзал шаҳарга айлантириш учун систематик равишда иш олиб бормаётирлар. Кўкламги ва кузги дарахт ўтқазиш ойлиги ва ҳар йили апрель ойида ўтказиладиган ободонлаштириш ва шаҳарни санитария жиҳатидан тозалаш кампаниясидагина қизғин иш олиб борилади-ю, кейинчилик бу муҳим масалага эътибор сусайтириб юборилади. Шаҳар «Саночистка» трести ўз ихтиёридаги транспорт воситаларидан унумли, мақсадга мувофиқ фойдаланмайди. Айрим саноат корхоналарининг раҳбарлари ҳам ободончилик ишига жиддий эътибор бермаётирлар.

Тошкентни энг гўзал шаҳарга айлантиришда жамоатчилик жуда катта роль ўйнайди. Коммунал хўжалик ходимлари, уй бошқармалари, маҳалла комиссиялари ободончилик ишида жамоатчиликка таянишлари керак. Серқатнов кўча ва тротуарларга ҳар хил чиқиндиларни чиқариб ташлайдиган, оқар-сувни ифлослантирадиган айрим бефарқ кишиларни ўша жойнинг ўзида ишовчи активлар тартибга чақиришлари, кўпчилик олдида уялтириб, танбеҳ беришлари зарур.

Пойтахтимизни энг гўзал ва озода шаҳарга айлантириш партия, совет, комсомол ва касаба союз ташкилотларининг, корхона ва муассасалар раҳбарларининг, кенг жамоатчиликнинг ҳар доим диққат марказида туриши керак. Ободончиликка ажратилган маблағлардан тўла фойдаланиш, аҳоли ўртасида ташкилотчилик иши олиб бориш, ҳамма жойда ҳар куни ҳар соат озодалик ва юксак санитария маданияти учун курашни тегишли ташкилот раҳбарлари ва тошкентлик ҳар бир меҳнаткашнинг шарафли иши ва виждони бурчидир.

Шаҳримизни бундан ҳам кўркам, обод қилиш ва озода тутиш ўз қўлимизда. Келинг, ҳаммамиз бу ишга баравар енг шимарайлик, уни энг гўзал, озода, юксак маданиятли шаҳарга айлантирайлик!

ССРР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

«СССР космонавт учувчиси» унвони тўғрисидаги Низомни ва кўкракка тақиладиган «СССР космонавт учувчиси» белгисининг тасвирини тасдиқлаш тўғрисида

1. «СССР космонавт учувчиси» унвони тўғрисидаги Низом тасдиқлансин.

2. Кўкракка тақиладиган «СССР космонавт-учувчиси» белгисининг тасвири тасдиқлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. БРЕЖНЕВ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1961 йил 11 май.

* * *

Низомда кўзда тутилишича, «СССР космонавт учувчиси» унвони космосга муваффақиятли учган космонавт учувчиларга СССР Мудофаа министрининг тақдимига мувофиқ СССР Олий Совети Президиуми томонидан берилади.

«СССР космонавт учувчиси» унвонини олишга сазовор бўлган кишиларга СССР Олий Совети Президиумининг Ердаги ва кўкракка тақиладиган белгиланган нусхадаги белги топширилади.

Кўкракка тақиладиган «СССР космонавт учувчиси» белгиси кумушдан ясалган беш бурчакли юлдуздан иборат бўлиб, унда планетамиз тасвирланган. Ер шари йўлдошининг олтиндан ясалган орбитаси билан ўраб олинган. Москва шаҳрининг рамзи бўлган юлдузчадан иккинчи орбита ҳосил бўлиб, у планеталараро фазога учиб кетаётган космик кеманинг шлейфига туташади. Белгининг юқори қисмида ер шари устига «Космонавт учувчи» деган сўзлар олтин ҳал билан бўрттириб ёзилган ер шарининг остида эса, зарҳал хат билан «СССР» ҳарфлари бўрттирибб кўрсатилган ва дафна дарахтининг бутоқлари тасвирланган. Белгининг орқа томонига: «СССР Олий Совети Президиумининг 1961 йил 14 апрель Фармони билан таъсис этилган» сўзлари ёзилган ва белгининг номери кўйилган.

Низомга мувофиқ, «СССР космонавт учувчиси» белгиси кўкракнинг ўнг томонига тақилади ва СССР орденлари бўлган тақдирда, бу орденлардан юқорига тақилади.

Тбилиси Н. С. ХРУШЧЕВни кутиб олмоқда

ТБИЛИСИ, 11 май. (ТАСС). КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Н. С. Хрушчев республика ҳаётида шонли воқеа — Грузияда совет ҳокимияти ўрнатилганлиги ва Грузия Коммунистик партияси ташкил топганлигининг 40 йиллигига бағишланган тантаналарда қатнашмоқ учун бугун Тбилисига келди.

Вокзалда Н. С. Хрушчевни Грузия Коммунистик партияси ва ҳукуматининг раҳбарлари самимий кутиб олдилар. Шаҳар кўчаларига чиққан минг-минглаб меҳнаткашлар азиз меҳмонни шодхуррамлик билан қизғин табрикладилар.

ЧЕХОСЛОВАКИЯ КОМПАРТИЯСИНИНГ 40 ЙИЛЛИГИ БАЙРАМИДА ҚАТНАШИШ УЧУН

Чехословакия Компартияси Марказий Комитетининг таклифига биноан, КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев (делегация бошлиғи), Латвия КП Марказий Комитетининг биринчи секретари А. Я. Пельше, КПСС Ленинград область комитетининг биринчи секретари И. В. Спиридоновлардан иборат составда КПСС делегацияси Чехословакия Компартиясининг 40 йиллиги байрамида қатнашиш учун 10 майда Москвадан Прагага жўнаб кетди. СССРнинг Чехословакия Социалистик Республикасидаги элчиси, КПСС Марказий ревизия комиссиясининг аъзоси М. В. Зимянин ҳам делегация составига киради. У Прагада делегацияга қўшилади. (ТАСС).

А. И. МИКОЯН БИРЛАШГАН АРАБ РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛАТ МАЖЛИСИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ АЪЗОЛАРИ БИЛАН УЧРАШДИ

СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи ўринбосари А. И. Микоян 10 майда Кремлда СССР Олий Советининг таклифига мувофиқ Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган Бирлашган Араб Республикаси парламент делегациясини қабул қилди. Бирлашган Араб Республикаси Миллат мажлисининг раиси Анвар Садат делегацияга бошчилик қилади. (ТАСС).

СОВЕТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЖЕНЕВАГА ЖЎНАБ КЕТДИ

МОСКВА, 10 май. (ТАСС). Лаос масаласини ҳал қилишга бағишланган халқаро кенгашда иштирок этмоқ учун А. А. Громико (делегация бошлиғи), Г. М. Пушкин, А. А. Солдатов ва А. Н. Абрамов, шунингдек маслаҳатчи ва экспертлардан иборат Совет Иттифоқи делегацияси бугун Москвадан Женевага жўнаб кетди.

ДЎСТ ИНДОНЕЗИЯ ВАКИЛЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Ўзбекистон пойтахтининг минг-минглаб меҳнаткашлари Совет ҳукуматининг таклифига мувофиқ мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Индонезия Олий маслаҳат кенгаши раисининг ўринбосари Руслан Абдулғанини самимий кутиб олдилар.

Руслан Абдулғани 10 май эрталаб Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси О. А. Алимов ҳузурида бўлди. Индонезия Олий маслаҳат кенгашининг аъзолари С. Зуҳри, Ф. Маруф, У. Хартойо, кенгашнинг секретари Субагио, Индонезиянинг СССРдаги элчихонасининг маслаҳатчиси Тан ва Руслан Абдулғанининг бошқа ҳамроҳлари у билан бирга келдилар.

О. А. Алимов билан Руслан Абдулғани ҳамда унинг ҳамроҳлари ўртасида қизғин суҳбат бўлди. Суҳбатда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари И. В. Бабков, СССР Олий Советининг депутати Т. Ф. Штиков, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари Р. С. Саҳибоев, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати М. Т. Ўрозбоев республика ташқи ишлар министрининг ўринбосари У. А. Рустамов ва бошқалар ҳозир бўлдилар.

Шундан кейин индонезиялик меҳмонлар шаҳар бўйлаб сайр қилдилар. Улар жумладан, Чиланзор массивига бордилар ва бу ерда кенг миқёсда олиб борилаётган уй-жой қурилишини кўздан кечирдилар. Руслан Абдулғани Тошкент тўқимачилик комбинатини анча вақт тамоша қилди.

Кунниг иккинчи ярмида Руслан Абдулғани Ўзбекистон ССР Фанлар академияси президиумида республиканинг етакчи олимлари билан учрашди. Меҳмонлар Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диния бошқармасида ҳам бўлдилар. (ЎзТАГ).

Биринчи озиқлантириш вақтида далалар бегона ўтлардан батамом тозаланган бўлсин!



Сирдарё районидаги «Малик» тажриба хўжалигида ғўза парваришини қизғин давом этмоқда. Ғўза қатор ораларига ҳам, узун насига ҳам, кўндалангига сифатли ишлов берилмоқда. Суратда: культивация пайти. Р. Исаев фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

АНИФА НЕГА ХАФА?

«Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг 2-бўлимида умуман ишлар чакки эмас. 840 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 29,6 центнердан ҳосил етиштиришга аҳд қилган бўлим ишчилари чигитни сифатли қилиб, квадрат-уялаб экдилар. Қарийб саккиз юз гектар ердаги чигит ернинг намига ундириб олинди, ғўза парваришн бошлаб юборилди. Ҳозиргача бўлим механизаторлари 400 гектар ердаги ғўзани узунасига, 200 гектар ерни кўндалангига культивация қилдилар. 250 гектар ердаги ғўза культивация билан бир вақтда озиқлантирилди.

14 та трактор билан ғўза қатор оралари ишланаётир. Ғўза парваришида механизаторлардан Аметчик, Музаффар Дерман, Азим Нурматов ва Иван Рибаков каби моҳир механизаторлар ғайрат билан ишлаётирлар.

— Ҳозир бир текис ва қийғос униб чиққан ғўзаларни яганалашни жадал тамомлаш зарур. Шунинг учун ҳам ишчи кучларининг кўпи ғўза яганасига сафарбар этилди. 250 киши зўр бериб ягана қилаяпти. Чунки ягана қилинмаган ортиқча кўчатнинг ёввойи ўтдан фарқи йўқ. Сўнгра ягана кечикса, ғўза қизил поча бўлиб қотиб қолади, эркин ривожлана олмайди, — деди бўлим бошлиғи ўртоқ Динаев.

Бу ишлар, шубҳасиз, яхши. Лекин бригадир Анифа Алчикова қатиқ хафа, совхоз бош агрономи ўртоқ Муҳаммаджонов билан гаплаша бошлаганда унинг куйиниб кетганлигини кўрдик.

— Қачон культиватор келади? Ғўзани парвариш қилиш керакми, йўқми, ахир вақт ўтиб кетаяпти-ку, — дейди у.

— Оддий культиватордан нечта десангиз топиб берамиз, лекин қатор ораси 1 метр ва 80 сантиметр кенгликда ишлайдиган культиватор бизда йўқ, — жавоб берди бош агроном.

Кимдир «хафа бўлманг, сизда айб йўқ, жавобгар ҳам эмассиз» деб луқма ташлаган эди, Анифа тутоқиб кетди.

— Нега мен жавобгар эмасман, гектаридан 31 центнердан ҳосил етиштирамиз деб мажбуриятга қўл қўйганмиз. Етиштириладиган ҳосил учун жавобгармиз ахир...

Маълум бўлишича, ўртоқ Анифа Алчикова бошлиқ бригаданинг 25 гектар ерига қатор оралари 1 метр, 50 гектар ерига қатор оралари 80 сантиметр кенгликда оддий усулда тажриба учун чигит экилган. Бу иш ўрта Осиё қишлоқ хўжалик механизациялаш ва электрлаштириш илмий текшириш институти томонидан амалга оширилган. Улар Анифага керакли культиваторлар билан таъминлаймиз деб ваъда берганлар. Бироқ, ҳанузгача культиваторлардан дарак йўқ.

Илмий тажрибалар, олимларнинг совхоз ишчилари билан ҳамкорликлари жуда яхши ва кўнгилдагидек маъқул иш. Лекин етарли тайёрликсиз қилинадиган ҳар қандай тажриба яхши натижа бермаслиги турган гап. Анифа олимларни тажриба ўтказаётганлари учун эмас, мана шундай тайёргарликсиз иш қилинаётгани, натижада ғўза парвариши орқага сурилиб кетаётгани учун ҳафа.

Б. ХАЛИЛОВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

ГРАФИКДАН ЎЗИБ

СОЛДАТСКОЕ, 11 май.(ЎзТАГ). «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозида деярли бутун пахта майдонида чигит униб чиқди. Механизаторлар ғўза парваришига киришдилар. 80 та чопиқ агрегати далаларга чиқарилди. Бу агрегатлар қатор ораларини юмшатиш билан бирга ерга маҳаллий ва минерал ўғит соладилар. Биринчи суғориш ҳам бошлаб юборилди.

Тракторчилардан Мамур Катаманов ва Сарвар Жаналиевлар аъло меҳнат қилмоқдалар. Улар топшириқни кун сайин ошириб бажарганлари ҳолда, дала ишларининг юқори сифатли бўлишини таъминламоқдалар. Бошқа механизаторлар ҳам илғорларга тенглашиб, юқори иш унумига эришмоқдалар. Совхознинг учинчи бўлимида ғўза қатор ораларини узунасига-кўндалангига ишлашда графикдан ўзиб кетилди.

Ҳозирги вақтда хўжаликнинг ҳамма бригадалари букетларни ростлашга киришдилар. Совхоз коллективи ғўза парваришининг биринчи циклини май ойида тамомила тугаллаш мажбуриятини олди.

Ўзбекистон КП Тошкент область комитетида

Область партия комитетининг қарори билан «Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталари саҳифаларида пилла тайёрлаш давлат планини муддатидан илгари бажарган колхоз, совхозлар ва районлар учун ҳурмат тахтаси таъсис этилди.

Ҳурмат тахтасига колхозлар, совхозлар ва районлар, колхоз раислари, совхоз директорлари, район ва шаҳар партия комитетларининг секретарлари, район ва шаҳар комсомол комитетларининг секретарлари, район ижроия комитетларининг раислари, район пиллачилик бўлими мудирларининг фамилиялари кўрсатилгани ҳолда ёзилади.

Ака-ука механизаторлар

Трактор парки томондан гуриллаб келаётган икки универсал трактори колхознинг ўртоқ Зокир Авазматов бошлиқ бригадаси дала шийпонига келиб тўхтади. Ака-ука механизаторларни кўрган колхозчилар «азаматларга универсал зап ярашибди» деб қўйишди.

— Қани, «от»дан тушинглар, биз билан бирга бир-икки пиёла чой ичиб олинглар, иш бўлса кочмас, — деди шу ерда турган бригадир Зокир ака.

— Чой ичиш бўлса ҳочмас, — деди механизатор Мастон ака, — бизга культивация қилинадиган картани кўрсатинг...

Тез орада кенг карталарда универсалларнинг гуриллаган овози баралла янгради. Ака-ука механизаторлар Мастон ва Маъруфлар ғўза қатор ораларига сифатли ишлов бера бошладилар.

Орҳоникидзе район и даги «Сталинград» колхозининг аъзолари Мастон ва Маъриф Наримовларни ҳурмат билан тилга олишади. Чунки бу азаматлар ҳар бир ишни пухта қилишади. Мастон Наримов шу колхозда 15 йилдан бери механизатор бўлиб ишлайди. Ўтган йили у, айниқса, яхши кўрсаткичларга эришди. «СХМ-48М» машинасида 60 тонна пахта терди ҳамда 150 тонна кўрак чувиб берди. Унинг бу йилги аҳди бошқача: укаси Маъруф Наримов билан мусобақалашиб, кам деганда 700 центнер ердаги ғўзани культивация қилиш, 500 гектар ердаги ғўзани озиқлантириш, шунингдек «СХМ-48» машинасида 90 тонна пахта териш маббуриятини олди.

Ўрта мактабни 1958 йилда тамомлаган Маъруф икки йил акасига ёрдамчи бўлиб ишлади. Унинг ғайрати ва шижоатига қойил қолган колхоз раҳбарлари ўтган йили Маъруфни Вревскийдаги механизация билим юртига ўқишга юборишдан Маъруф яқинда ўқишни аъло баҳолар билан битириб келди. Энди у акаси билан ёнма-ён туриб мўл ҳосил учун курашмоқда.

С. МИРЗАЛИЕВ.

ҚАҲРАМОН ҲУЗУРИДА

ЛАВҲА

<>

Баҳор. Қишлоқ бу сўзда олам-олам маъно бор. Баҳор ўзининг ям-яшил либоси, дилларни қитиқловчи майин шабадаси, кўнгилларни аллаловчи нашидаси билан деҳқонни ҳам, боғбонни ҳам, чорвадорни ҳам — ҳаммани янгиянги зафарлар сари етаклайди, уларга илҳом бахш этади, кучигакуч, ғайратига-ғайрат қўшади.

Ана шундай баҳор кунларининг бирида Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Тошмамат Алижонов раҳбарлик қилаётган бригада пахтакорларининг янги мавсумдаги аҳду-паймонларига етишиш учун қандай замин тайёрлаётганликлари билан танишиш истагида «Оққўрғон» совхози томон йўл олдик. Поёни йўқ далалар, адрларни қоплаб олган ям-яшил ўтўланлар, дарахтларнинг янги ниҳоллари ёнаётган кишилар эътиборини ўзига тортади. Биз деҳқонларнинг, мўл ҳосил тақдири учун курашаётган азамат кишиларнинг ҳалол меҳнатидан завқ олиб, Тошмамат ака бригадаси пахта далаларига етиб келганимизни ҳам билмай қолдик.

Ғўзалари бир текис униб чиққан карта четида кетига культиватор тиркалган трактор турибди. Соқол-мўйлови энгинига сабза урган, қотмагина бир йигит тракторнинг у ёғидан бу ёғига ўтиб ниманидир созларди.

— Ҳорманг, Турсунали! — гап қотди ҳамроҳимиз. — 5-бўлим бошлиғи Саидкарим ака Бухоров.

— Саломат бўлинг. Ҳали қорийдиган нима иш қилибмиз, ака?

— Бундан буён белингизни маҳкамроқ боғламасангиз, ҳориб қоласиз демоқчиманда. — ҳазиллашди бўлим бошлиғи.

Шу пайт нарироққа келиб тўхтаган «Москвич» дан Тошмамат ака тушиб келиб, биз билан сўрашди. Ўрта бўйли, кўринишидан 27—28 ёшлар чамасидаги бу йигитни биринчи бор кўрган киши «қаҳрамон» деб ўйламайди.

Тошмамат ака картанинг ичкарирогига кириб, ердан бир қисм тупроқ олди-да, ғижимлаб нари отди. Кичик копток шаклига кирган тупроқ ерга тушиб уваланиб кетди.

— Ер тобига келипти, культивацияни бошлаворсак ҳам бўлади. Турсунали, қани маҳоратингни кўрсат, культивацияни бошлайлик — деди у хурсанд ҳолда.

Тракторчи моторни ёқиб, эпчиллик билан рулга ўтирди. «Универсал» осмонга дуд чиқариб бир депсиниди-да, ўрнидан оҳиста силжиб, кўндаланг қатор бўйлаб тик кетди. Турсунали Мамашаев тракторни бошқариб борар экан, кўзларини яшил квадратларнинг оралигидаги чизғичдек тўғри қатордан узмасди.

Культиваторнинг ўткир тигли пичоқлари ғўзанинг энгинига учқулоқ бўлган нозик ниҳоллари оралигидаги тупроқни юмшатиб кетарди. Бу — етти йиллик учинчи баҳорининг ғўзалари! Ҳамма ҳосият, ҳамма фазилат ана шу учқулоқ ғўзаларда! Ана шу ғўзалар қуёшнинг ҳаётбахш нуридан, фидокорлар меҳнатидан, зилол сувдан баҳра олиб, ривож топиб, ҳосил тугиб қанча-қанча кишига бахт, довруг, ёркин истиқбол ҳадя қилади!

Трактор кетидан юриб, ғўза уялари ва қаторларнинг оралиғини ўлчаб кўрдик. Ғўзалар бўйи 60, энг 45 сантиметрли квадратларнинг аниқ бурчакларидан униб чиқибди.

— Ҳамма майдонга шу схемада эккансизларми? —сўрадик бригадирдан.

— Ҳа, юз гектар еримизга олтмиш-қирқ беш схемасида экдик. Ўн олти гектар қир зонамиз бор. унга оддий усулда экканмиз. Ўтган йили олтмиш-олтмишда экканэдик Бу бизнинг еримиз шароитига тўғри келмади. Бир гектар ерда аранг етмиш минг кўчат сақлаб қолдик. Бир гектардан кўтарган ҳосилимиз ўттиз беш-қирқ центнер. Ўйлаб кўрсак, бизнинг ер шароитимизга олтмиш-қирқ беш-юз минг кўчат бўлишига эришамиз.

— Пахта майдонларига янги ер қўшгансизларми? — сўрадик.

— Илгариги йиллари бу ишга бепарво қараган эканмиз. — деди мийиғида кулиб Тошмамат ака.— ношуд кассоб қўй сўйганда пўстдумбани катта оламан деб, энг керакли бўлган терини ўйиб олади. Оқибатда ҳам ўрдан, ҳам бўрдан ютқизади. Биз ҳам анча еримизни пўстдумбага чиқариб юборган эканмиз. Марза, уват, йўл ёқаларини ҳайдаш ҳисобига майдонимизни ўн икки гектарга кенгайтирдик. Бу ҳам ҳазилакам жой эмас, қирқдан бўлганда тўрт юзу саксон центнер пахта деган сўз!

Бу орада универсал майдоннинг уёғидан бу ёғига икки марта бориб келди. Турсунали тормоз педалини босдида. Тошмамат акага қараб «ҳу ану ерда беш-олти ғўза хато жойда униб чиқипти» деб қўйди. Бригадир трактор айтган жойга бориб, ғўзаларни кўздан кечирди. Ҳақиқатан ҳам беш-олти ғўза бошқа уяларнинг рўпарасида эмас, ўрталигида униб чиққан эди.

— Бу ҳам бўлса режа симидаги тугмачаларнинг бўшашиб кетганидан-да, — деди у фигони чиқиб, — экишнинг биринчи кунларида дастлаб келтирган симларимизнинг тугунчаларни агрегат бир-икки юрар-юрмас худди ҳисоблайдиган чўтнинг донлари сингари у ёқдан бу ёққа бемалол юрадиган бўлиб қолувди. Ўшанда шундай бўлгандир-да? Ҳайрият бундай симларни тезда алмаштириб келувдик. Бу хусусда машинасозларимизга катта эътирозимиз бор.

Тошмамат ака картанинг бир чеккасига қоқиб қўйилган белгили тахтачани Турсуналига кўрсатиб гап қотди:


— Турсунали, ваъдалашганимиз хотирингдами? Биринчи культивацияни ҳам, озиқлантиришни ҳам, машина теримини ҳам ана шу белги қўйилган ердан бошлайсан. Бу — кўчат қалинлигини сақлаб қолишга, озиқни ўз вақтида беришга, оби-тобида суғоришга, пахтани яхши пишганида машинада териб олишга имкон беради.

Турсунали бригадирнинг гапларини тасдиқлади-да, рулга ўтириб, тракторни бошқариб кетди...

Куботарда фидокорларга янгиянги муваффақиятлар тилаб йўлга чиқдик. Бу ажойиб пахтакорларнинг меҳнатидан ғоят мамнун бўлдик. Ўтган мавсумда гектаридан 35 центнердан ҳосил кўтариб, Коммунистик меҳнат бригадаси деган номни оқлаган, эндиги мавсумда ҳар гектар ерда 40 центнердан ҳосил етиштириб, киши бошига 18 тоннадан «оқ олтин» териб олишга, пахтанинг таннархини 7 сўмга туширишга аҳд қилган кишиларнинг меҳнати, олижаноб фазилати кимни қувонтирмайди, кимни руҳлантирмайди, дейсиз ахир!

Ш. ШОРАҲМЕДОВ.

СОВЕТ ГРУЗИЯСИНИНГ 40 ЙИЛЛИГИ



Суратларда: 1. Тбилиси шаҳридаги Қаҳрамонлар майдонининг кўриниши. 2. Кутаиси. Орджоникидзе номидаги автомобиль заводи ишчилари посёлкасида қурилган янги уй-жой бинолари. С. Тевзадзе ва П. Луценко фотолари. (ТАСС фотохроникаси).

КЕЛГУСИДАГИ ШАҲАРЛАРГА ҲОЗИРДАНОҚ АСОС ҚУРИЛМОҚДА

Ўзбекистон архитекторлари VI съездидан

Халқ бахт-саодати — ижодкор учун мезон ◆ 100 уйнинг 95 таси типовой лойиҳа билан қурилмоқда. ◆ Пойтахт меъморлари кўриқ ерлардаги агрошаҳарларни оталикка олмоқдалар. ◆ Ортиқча безакларга ҳам, ортиқча сийқалаштиришга ҳам йўл қўйиш ярамайди ◆ Баҳс ва мунозара кўпроқ бўлсин! Архитектуранинг социалистик услуби учун!

Бу ҳисоботни съезд меҳмонларидан бири — Тожикистон Архитекторлари союзининг раиси У. К. **Абдураҳмонов**нинг қуйидаги сўзлари билан бошлаймиз:

— Ўрта Осиё меъморлари Ўзбекистондаги ўз шерикларининг ижодини зўр эътибор билан кузатиб турибдилар. Деярлик ҳаммамиз Тошкентда ўқиб, билим олганмиз. Ўрта Осиёдаги архитекторлар ва олимлар — қурилиш иши мутахассисларининг энг катта отряди бу шаҳарда хизмат қилмоқда.

Бу сўзлар Ўзбекистон меъморларининг хизматини тақдирлаш билан бирга ҳаёт томонидан улар олдига катта талаблар қўйилаётганлигини ҳам кўрсатади. Архитекторларимизнинг ижоди учун катта имкониятлар яратиб берилди. Уларнинг лойиҳалари минг-минглаб қурилишларда—янги заводлар, каналлар, мактаб ва уй бинолари қурилишида ўз ифодасини топмоқда. Эндиликда замонавий қурилиш индустрияси ихтиёридаги кучли механизмлар ва прогрессив материаллар энг дадил фикрларни рўёбга чиқариш имконини беради.

Республика архитекторлари бу имкониятлардан маълум даражада фойдалана олдилар. Ўзбекистонда ҳар 100 та уй ва жамоат биноларидан 95 таси улар тузган типовой лойиҳаларга мувофиқ қурилмоқда. Республикадаги кўп шаҳар ва қишлоқлар фан ва техниканинг энг янги муваффақиятлари асосида барпо қилинмоқда. Муваффақиятлар қўлга киритилганлиги шак-шубҳасиздир. Лекин шундай бўлса ҳам, ижодкор уста ҳотиржам бўлолмайди, чунки у ўз фикрларини, ўз ижодининг натижаларини Никита Сергеевич Хрущев айтган катта мезон билан ўлчайди: «Биз бутун жамият учун, болаларимиз учун, келажак учун, коммунизм ғалабаси учун янги шаҳарлар барпо қиламиз».

Шу сабабли съезд қатнашчилари ҳал этилиш лозим бўлган вазифаларга, архитекторлар жамоатчилигининг халқ ижодий меҳнатидаги ролини оширишга кўпроқ эътибор бердилар.

Ўзбекистон Архитекторлари союзи правлениесининг раиси **М. С. Булатов** ўзининг ҳисобот докладида қуйидагиларни айтди:

— Ўтмишда халқ маблағларини ортиқча безакларга сарф қилиш, ўтмишнинг архитектура намуналаридан пала-партиш нусха кўтариш каби хатоларга йўл қўйилганлиги ҳозирги пайтда архитекторларимизга жуда аён бўлиб қолди. Совет меъморлари қурилишнинг энг муҳим вазифаларини яхши англаб, партиямиз томонидан қўйилган умумхалқ вазифасини, яъни илғор қурилиш индустрияси базасида мамлакатимиздаги уй-жой танқислигини тугатиш вазифасини ҳал этишда жуда актив қатнашмоқдалар.

Докладчи ва съезд делегатлари — СССР Қурилиш ва архитектура академияси Ташкент илмий-тадқиқот институти секторининг мудири **А. Б. Бобохонов**, «Узгоспроект»нинг бош инженери **А. В. Якушев** типовой лойиҳаларни кайтадан кўриб чиқиш ва уларни яхшилаш зарур эканлиги тўғрисида гапирдилар.

— Архитекторларимиз, — деди Янгиер шаҳрининг бош архитектори **Ф. Г. Вишкинд**, — қишлоқлардаги қурувчиларга яқиндан ёрдам бермаётирлар. Кўриқ ерларда янги посёлкаларни вужудга келтираётган меъморнинг ишидан ҳам фахрлироқ ва олижаноброқ иш бўлиши мумкинми, ахир!

Бу сўзлар қишлоқларда қурилиш ишлари билан шуғулланаётган лойиҳачиларнингина эмас, балки бошқаларнинг ҳам эътиборини ўзига жалб этди. Съезд резолюциясининг моддаларидан бирида Мирзачўлда совхозлар қурилишини оталикка олиш юзасидан якдиллик билан мажбурият қабул қилинганлиги таъкидланди. Бунинг учун узоқ жойдан мисол қидириб ўлтиришнинг ҳожати йўқ. Тошкент архитекторларининг бир группаси ҳали яқиндагина Янгийўл районидаги Хрущев номли колхоз посёлкаси лойиҳасини тузишда жамоатчилик йўли билан ёрдам кўрсатди.

Жамоатчилик йўли билан ишлаш усули архитекторлар ижодининг бошқа турларида ҳам кенг қўлланилмоқда. «Гипрогор» архитектори Л. М. Бойченко жонажон шаҳар қиёфасини янада кўркам қилиш учун ҳаракат қилаётган Ўзбекистон пойтахтидаги 200 меъморнинг ташаббуси тўғрисида сўзлаб берди. Бу меъморлар майдон ва паркларнинг тузилиши, уларни ёритиш ва кўкаламзорлаштириш ишларини реконструкция қилиш лойиҳаларини тузишда ёрдам бермоқдалар.

Съезд делегатлари оталикка олишнинг шу хилдаги формалари ижодкор ёшларни тарбиялашнинг амалий методи ҳам бўлиб қолиши мумкин, деб таъкидладилар.

Маҳоратни ошириш, меъморнинг жавобгарлик туйғуларини ошириш масалаларига кўпинча жиддий эътибор берилмаётир. Тошкент политехника институтининг доценти **К. В. Бабиевский** ёш архитекторларни тайёрлаш соҳасидаги камчиликлар тўғрисида гапирди.

Докладда ва айрим нутқларда кўрсатиб ўтилганидек, лойиҳа тузиш соҳасида биринчи қадамларнигина қўйётган баъзи меъморлар архитектурадаги турли оқимларнинг моҳиятини ҳамиша ҳам яхши билиб олмоқдалар, деб бўлмайди. Панорам кинотеатр лойиҳасининг вариантларидан бирида очиқдан-очиқ формализмга йўл қўйилган. Кинотеатр биносининг декоратив деворини темир-бетондан ясаш кўзда тутилган. Ана шу темир-бетон тўрт қаватли олти уйини кўриш учун кифоя қилар эди. Халқ хўжалиги кенгашининг янги биносини йирик панелли системага ўхшатиб қуриш ва яхлит ойналар ўрнатиш мўлжалланган эди. Бухородаги меҳмонхона ва пионерлар саройи лойиҳаларида намоён бўлган ортиқча безакларга берилиб кетиш майиллари билан бир қаторда ортиқча сийқалаштиришга ҳам йўл қўйилмоқда. Буни масалан, 310-серияли уй лойиҳаларида кўриш мумкин.

Делегатлар Архитекторлар союзи правлениеси ижод проблемалари билан кам шуғулланганлигини, мунозара ва муҳокамаларни кам ўтказганлигини таъкид қилдилар.

СССР Архитекторлар союзи правлениесининг аъзоси **Д. Г. Олтаржевский** бундай деди:

— Авторлар жойлардаги қурилишларнинг кўпчилигини назорат қилиб турмайдилар. Бу эса қурилиш ишларининг маданиятини, биноларнинг сифатини пасайтириб юборади.

«Ташгипрогор» директори **О. А. Рушковский** ўз нутқида турмушни коммунистик негизда қайта қуриш учун зарур бўлган лойиҳалашнинг янги асосларини вужудга келтириш тўғрисида гапирди.

Қардош республикалар архитектура жамоатчилигининг вакиллари — ўртоқ **Грибанова** (Қозоғистон) ва ўртоқ **Абдураҳмонов** (Тожикистон) съездни табриклидилар. Ўзбекистон Рассомлар союзи правлениеси съездга табрик телеграммаси юборди.

Съезднинг резолюциясида Ўзбекистон архитекторлари и н и н г КПСС XXII съездини муносиб кутиб олиш учун қурашдаги асосий вазифалари белгиланди.

Ўзбекистон Архитекторлари союзи правлениеси ва ревизия комиссиясининг янги состави сайланди.

10 майда Ўзбекистон Архитекторлари союзи правлениесининг биринчи пленуми бўлиб, М. С. **Булатов** правление раиси қилиб сайланди. **Е. ЕФИМОВ.**

(Ўзбекистон Телеграф агентлигининг мухбири).

Тенг ҳуқуқли республикалар оиласида

Г. Д. ДЖАВАХИШВИЛИ

Грузия ССР Министрлар Советининг Раиси

□ □ □

Грузия Совет Социалистик Республикаси 40 ёшга тўлди. Бу қадимги грузин ўлкаси учун унчалик катта давр эмас. Аммо, ана шу 40 йил ичида қанчадан-қанча чинакам тарихий воқеалар бўлиб ўтди! Янги давр, эркин меҳнат ва ижодий яратувчилик даври 1921 йилнинг февралидан бошланди. Бу даврда Грузия меҳнаткашлари Коммунистик партия раҳбарлигида ҳамда улуғ рус халқининг ёрдами билан меньшевиклар — жаҳон империализми гумашталарининг ҳукмронлигини ағдариб ташлаб, Совет ҳокимиятини ўрнатдилар.

Ўша пайтларда оташин революционер, грузин халқининг ажойиб фарзанди Г. К. Оржоникидзе В. И. Ленин ва И. В. Сталинга телеграф орқали хабар қилди: «Тифлис устида Совет ҳокимиятининг Қизил байроғи ҳилпираб турибди. Яшасин Совет Грузияси!».

1921 йилнинг 2 мартида В. И. Ленинлан Оржоникидзе номига ёзилган хат олинди. Унда қуйидагилар айтилган эди: «Грузин коммунистларига ва алоҳида равишда Грузия ревкомининг барча аъзоларига менинг Совет Грузиясига бўлган қизғин саломимни топширинг».

Собиқ чор Россиясининг қолоқ ўлкаси бўлиб келган, жуда оддий қишлоқ хўжалигига ва ярим кустар саноатга эга бўлган Грузия экономика, маданият ва халқ фаровонлигини тез суръатлар билан юксалтириш учун мустаҳкам асос қурабошлади, социализм ва коммунизм қурилишининг мустаҳкам йўлига тушиб олди.

1921 йил апрелида Ленин Озарбайжон, Грузия, Арманистон, Дағистон ва Горск республикаси коммунистларига ёзган ўз хатида Кавказ республикалари хўжаликларини ривожлантиришнинг тарихий программасини белгилаб берди, электрлаштириш ва суғориш юзасидан қилиналиган ишларни кенг қулоч ёйдиришга алоҳида эътибор берди, социалистик қурилиш учун уларнинг қанчалик аҳамияти борлигини уқдириб кўрсатди. Владимир Ильич, бутун кучвоситалар билан бой ўлканинг ишлаб чиқарувчи кучларини, оқ кўмири ва суғориш ишларини ривожлантирмоқ лозим, деб кўрсатган эди.

Бу васиятларни амалга ошириш вақтида жуда кўп қийинчиликларга дуч келинди. Бу даврда ҳали саноат қурилиши соҳасидаги билим ва тажрибага эга эмас эдик, йирик саноат учун энергетик база йўқ эди ва, ниҳоят, миллий мутахассис кадрларимиз йўқ эди. Рус халқи грузин халқига қардошларча ёрдам қўлини чўзди. Граждан уруши ва чет эл ҳарбий интервенциясининг оғир оқибатларини ўз бошидан кечирган улуғ Россия кичик халқларга ёрдам беришга, уларга маънавий, моддий ва техника ёрдами кўрсатишга ҳамиша тайёр бўлиб турди. В. И. Ленининг таклифига биноан 1922 йилда Совет ҳукумати Грузияда биринчи Земоавчал гидроэлектростанциясини қуриш учун маблағ ажратди. Айни замонда миллий кадрлар тайёрлашга жиддий эътибор берилди. Грузияда олий техника ўқув юртлари ташкил қилинди. Грузин йигит ва қизлари Россия ҳамда Украинанинг институтлари ва корхоналарида пўлат эритиш, станоклар ва энг мураккаб прибордар ясаш маҳоратини ўрганиб олдилар.

Мамлакатимиздаги барча халқларнинг қардошларча қўллаб-қувватлаши туфайли республикада қисқа тарихий муддат ичида ҳозирги замон техникаси билан қуролланган юзлаб янги корхоналар вужудга келтирилди. Саноатнинг металлургия, машинасозлик, электротехника, кимё, цемент ва бошқа соҳалари яратилди. Бу ерда мамлакатнинг энг йирик корхоналари қурилди: Руставида металлургия заводи, Зестафонда ферросплав заводи, Горида ип-газлама комбинати, Батумида нефтни қайта ишлайдиган завод, Кутаисида автомобиль заводи, Каспи ва Руставида цемент заводлари, Тбилисида станоксозлик ва электровозлар қуриш заводлари ишга туширилди.

Ҳозирги вақтда Совет Грузияси саноати юксак даражада ривожланган республикага айланди. Факт ва рақамлар бундан ёрқин далолат бериб турибди. Грузия ишлаб чиқарган ялпи маҳсулотнинг ҳажми 1961 йилда 1913 йилдагига нисбатан 40 марта, оғир саноат маҳсулотларининг умумий ҳажми эса 115 мартадан зиёд кўпайди. Революцияга қадар Грузияда бир йил ичида қанча саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилган бўлса, ҳозирда эса 8 кун ичида шунча миқдорда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

Озиқ-овқат саноати ва енгил саноат кенг ривожланди. Грузин чойи, машҳур грузин вино ва коньяклари, бизнинг юқори сифатли тамакиларимиз, консерва, шойи ва жун газламалар, гиламларимиз мамлакатимизда ва шунингдек чет элларда ҳам яхши маълумдир. Чой саноати айниқса кенг ривожланди. Аҳоли жон бошига шойи газламалар ишлаб чиқариш бўйича Грузия ҳозир Францияни тенглашиб олди.

Грузиянинг саноат маҳсулотлари жаҳон бозорига ҳам чиқди: бу маҳсулотлар 50 дан ортиқ чет эл мамлакатига чиқарилмоқда.

Қудратли электр қуввати манбаларисиз республика саноатининг гуриллаб ўсишини таъминлаб бўлмас эди. Шунинг учун ҳам Совет ҳокимияти йилларида республикада энергетика базасини яратишга катта эътибор берилди. 1960 йилда Грузияда 1913 йилдагига нисбатан 190 мартадан кўпроқ электр қуввати ҳосил қилинди. Биз аҳоли жон бошига ҳисобланганда Туркияга нисбатан 10 мартадан зиёд ва Эронга нисбатан 25 марта кўп электр қуввати ҳосил қилмоқдамиз. Бу йил мамлакатдаги энг йирик гидроэлектростанциялардан бири ҳисобланган Ингурск гидроэлектростанциясининг қурилиши бошланди. Унинг умумий қуввати 1.630 минг киловаттга тенгдир. Грузиянинг энергосистемаси Озарбайжон ва Арманистоннинг энергосистемалари билан ягона халқага бирлашгандир.

Сўнгги йилларда республкани газлаштириш юзасидан катта-катта ишлар олиб борилмоқда. Карадаг — Тбилиси газопроводи қурилди. Бу газопровод орқали Грузия қардош Озарбайжондан газ олмоқда. Бу эса республикамизнинг ёқилғи балансини анча яхшилади. Ҳозирги етти йиллик ичида Оржоникидзе—Тбилиси газопроводи қурилади.

Грузин қишлоқларида ҳам туб ўзгаришлар рўй берди. Ёғочдан ясалган омочга асосланган қолоқ, майда деҳқон қишлоқ хўжалиги ўрнида илғор аграр маданиятга ҳамда минглаб машиналарга эга бўлган маҳсулдор колхоз ва совхозлар вужудга келтирилди.

Революцияга қадар Грузиянинг чой плантациялари атиги 900 гектардан иборат эди. Ҳозир эса бу майдон 54 минг гектар ерни эгаллаб турибди. Бизнинг республикамиз СССРда етиштириладиган ҳамма чойнинг 97 процентини етказиб бермоқда. Ўтган йили республика чойқорлари планда белгиланган 138 минг тонна ўрнига 157 минг тонна кўк чой баргини йиғиштириб олдилар ва давлатга топширдилар. Бу — рекорд ҳосилдир! КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети грузин чойқорлари эришган ғалабани алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

КПСС Марказий Комитетининг январь Пленумида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада ривожлантиришнинг асосий йўллари белгилаб берилди. Закавказье республикалари қишлоқ хўжалик илғорларининг Тбилисида бўлиб ўтган кенгаши грузин, озарбайжон ва арман халқлари ҳаётида катта, унутилмас воқеа бўлди. Кенгаш ишларида ўртоқ Н. С. Хрущев иштирок этди. Никита Сергеевичнинг жиддий танқидий мулоҳазалари ва берган маслаҳатлари қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг катта резервларини очишга ёрдам қилди, КПСС Марказий Комитети Пленуми кўрсатиб берган янги марраларни эгаллаш йўлларини белгилаш имконини берди.

Ҳозирги вақтда колхоз ва совхозларнинг меҳнаткашлари, бутун грузин халқи ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кескин даражада кўпайтириш юзасидан ўз зиммаларига олган мажбуриятни бажариш учун кураш олиб бормоқдалар. Колхоз ва совхозлар ишлаб чиқариш илғорларининг сафи кундан-кунга кенгайиб бораётир.

Совет ҳокимияти йилларида республикада инженерлар, техниклар ҳамда юқори малакали ишчилардан иборат миллий кадрлар, шунингдек жуда кўп сонли қишлоқ хўжалик мутахассислари етишиб чиқди.

Грузия — юксак даражадаги ўзига хос маданиятга эга бўлган энг қадимги мамлакатларнинг биридир. Бироқ, совет тузуми давридагина кенг меҳнаткашлар оммаси фан ва маданиятнинг мевваларидан баҳраманд бўлдилар.

Совет Грузияси ёппасига саводхон мамлакатга айланди. Олий маълумот бериш кенг равишда ривожланди. Грузия аҳолисининг ҳар минг кишисига 38 олий маълумотли киши тўғри келади. Бу — Франциядагига нисбатан 3,5 марта, Англиядагига нисбатан 4 марта ва Туркиядагига нисбатан 10 марта кўпдир.

Грузия ССРда Фанлар академияси ва қишлоқ хўжалик фанлари академияси ташкил этилган бўлиб, улар самарали ишламоқдалар. Республиканинг 174 та илмий-текшириш муассасаларида минглаб илмий ходимлар катта-катта ишларни олиб бормоқдалар.

Яқинда республикамизда атом реактори ишга туширилди. Бу ерда атом энергиясидан ғинч мақсадларда фойдаланиш юзасидан илмий-текшириш ишлари олиб борилаётир. Грузин олимлари ҳозирги вақтда математика ва механиканинг, металлургия ва кимёнинг, физика, кибернетика ва электрониканинг янги проблемалари устида ишламоқдалар.

Республикада маданиятнинг мисли кўрилмаган даражада ривожланаётганлигини яна шу факт ҳам кўрсатиб турибдики, Совет ҳокимияти йилларида Грузияда нашр қилинган китобларнинг умумий тиражи 190 миллион нусхадан ошиб кетди. Биздаги китоблар грузин, рус, абхаз, осетин, арман, озарбайжон тилларида чиқарилади.

Грузияда фақат кейинги уч йил ичида 1.400 минг квадрат метр уй-жой майдони қурилди.

Аҳолига медицина хизмати кўрсатиш анча яхшиланди. Агар революцияга қадар Грузияда ҳаммаси бўлиб 351 врач бўлиб, қишлоқлар эса медицина ёрдамидан амалда маҳрум этилган бўлса, ҳозирги вақтда республикада 30.600 койкага эга бўлган касалхона муассасалари мавжуддир. Меҳнаткашлар саломатлигини таъминлаш йўлида 13.150 врач ҳамда 27.754 ўрта медицина ходими ишлаб турибди.

Грузия ўзининг курортлари билан машҳурдир. Бу ерда ҳар йили Совет Иттифоқининг ҳамма бурчакларидан келган юз минглаб меҳнаткашлар ҳамда турли чет эл мамлакатларидан келган меҳмонлар дам оладилар ва даволанадилар.

Совет Грузияси — кўп миллатли республикадир. Унинг составига Абхаз ва Аджар автоном Совет Социалистик Республикалари, Жанубий Осетин автоном области киради. Совет ҳокимияти йилларида Грузиянинг ҳамма халқлари ўз бахт-саодатларига эришдилар.

Грузиянинг социалистик тараққиёт йилларида эришган муваффақиятлари гоят қувончлидир. Аммо, етти йиллик план республика олдида очиб бераётган перспективалар янада ажойибдир. Шу йиллар ичида машинасозлик маҳсулотлари ишлаб чиқариш 3 мартадан зиёд ортади, кимё саноати маҳсулотлари эса 6 марта кўпаяди. Магистраль электровозлар ишлаб чиқариш бўйича Грузия 1965 йилга бориб Франциядан ўзиб кетади. Янгидан қуриладиган электр станциялари бизнинг хўжалигимизга қўшимча равишда бир миллиард киловатт-соат электр қуввати беради.

Совет Грузиясининг коммунистик қурилишда эришаётган муваффақиятлари Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг ленинча миллий сиёсатни оғишмай амалга ошираётганлигининг натижасидир. Коммунистик партия барча совет халқларининг экономика ва маданий тараққиёти тўғрисида, улар ўртасидаги чинакам қардошларча дўстликни мустаҳкамлаш ҳақида ҳамиша ғамхўрлик қилиб келмоқда.

Совет Грузияси Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXII съезди ҳамда ёрқин келажак — коммунизм сари шаҳдам қадам ташлаб олға бормоқда.

Қардош Грузия байрамига

Грузияда совет ҳокимияти ўрнатилганлиги ва Грузия Коммунистик партияси ташкил топганлигининг 40 йиллиги муносабати билан ўтказиладиган юбилей тантаналарида қатнашмоқ учун Ўзбекистон меҳнаткашлари делегацияси самолётда Тошкентдан Тбилисига жўнаб кетди. Делегацияга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов бошчилик қилмоқда.

Делегация составида Фарғона тўқимачилик комбинатининг тўқувчиси М. Н. Базеева. Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхозининг раиси М. Г. Хван, Навоий номидаги Самарқанд давлат университетининг старший ўқитувчиси Ф. Ҳайдарова бор. (ЎзТАГ).

ЭРТАНГИ КУН ҲАҚИДА СУҲБАТ

Чирчиқ электрокимё комбинатининг маданият саройида шаҳар ёшларининг «Сен коммунизмда яшашга тайёрмисан?» деган темадаги мунозараси ўтказилди. Бу жуда муҳим масалага кенг тайёргарлик кўрилган эди. Мунозара плани бир неча кун илгари барча корхоналар ва муассасаларга ёшлар танишиб чиқсин деб тарқатилди. Айрим заводларда мунозаранинг баъзи масалаларига бағишлаб тематик кечалар бўлиб ўтди, кутубхоналарда махсус китоб виставкалари ташкил этилди.

Белгиланган кун маданият саройининг катта залига юзлаб кишилар тўпланди. Улар орасида ёшларгина эмас, балки кекса авлод вакиллари, меҳнат ветеранлари ҳам бор эди.

Қизғин суҳбатда 160-қурилиш трестининг ёш ишчилари В. Заводский, Е. Боев, шаҳар электр тармоғининг ходими Худойберганов, ўқитувчи Алферова, тикув ательесининг мастери А. Сарисоқолова ва бошқа жуда кўп кишилар чиқиб сўзлашди. Уларнинг ҳаммаси текинхўрлар, ялқовлар, осон яшаш йўлини қидирувчиларга қарши курашни кучайтириш зарурлигини айтдилар. Мунозара қатнашчилари ёшларнинг маданий дам олишини яхшилаш, коммунистик меҳнат ва юксак маданият шаҳри номини олиш учун бошланган ҳаракатни кенг ёйиш лозимлигини уқтирдилар.

Л. ЗОЛИНА.

Телефон-автоматлар сони кўпаймоқда

Ўтган йили пойтахтимизда 280 га яқин телефон-автомат бор эди. Бу йил биринчи кварталда пойтахтимиздаги барча телефон-автоматлар янги тариф—иккитийинликка мослаштирилди. Меҳнаткашларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олиб Ленин кўчасида иккита, Марказий телеграф биносида яна иккита телефон-автомат ўрнатилди. Шундай қилиб, ҳозирги вақтда уларнинг сони 300 тага етиб қолди.

Пойтахтда телефон алоқасини яхши йўлга қўйиш, телефон тўхталларининг аниқ ва бехато ишлашини таъминлаш учун ҳамма чоралар кўрилмоқда. Монтёрлардан Амир Муҳаммаджонов, Ноил Бахтиёров, В. Самойлов ўртоқлар ўзларига бириктирилган участкаларда намунали ишламоқдалар.

А. МАҚСУМОВ.

Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми

ФРУНЗЕ, 10 май. (ТАСС). Бу ерда Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми бўлиб ўтди.

Пленум 1961 йил 19 сентябрда Қирғизистон Компартиясининг XII съездини чақиришга қарор қилди.

Пленум ташкилий масалаларни кўриб чиқди.

Пленум ўртоқ И. Р. Раззоқов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан уни Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ва Марказий Комитет бюро аъзолиги вазифаларидан озод килди.

Ўртоқ Т. Усубалиев Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари қилиб сайланди.

Пленум ўртоқ В. Ф. Степкинни Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари вазифасидан озод килди, уни Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари қилиб сайлади.

Ўртоқ М. А. Гаврилов Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари ва Марказий Комитет бюро аъзоси қилиб сайланди. Ўртоқ Б. Мамбетов Марказий Комитет бюро аъзоси қилиб сайланди.

Республика Министрлар Советига қониқарсиз раҳбарлик қилганлиги ҳамда халқ хўжалигига раҳбарлик қилишда жиддий нуқсонларга йўл қўйганлиги учун пленум ўртоқ К. Д. Диқамбоевни Қирғизистон Компартияси Марказий Комитети бюро аъзолари составидан чиқарди.

Пленум ишида КПСС Марказий Комитети иттифоқчи республикалар бўйича партия органлари бўлимининг мудири ўртоқ В. Н. Титов қатнашди.

ФАРЗАНД ТОПДИМ

— «Ўғил-қизим бўлмаса, ёлғизман. Бир ёғи кексалик,— ўйланиб ўтирардим. Шу пайт эшигимни биров қоқди. «Ким бўлдийкин» деб очдим. Эшикдан ёқимтойгина қиз кириб келди.

— Саломатмисиз, холажон, мен ҳамшираман, сизга кўмаклашгани келдим,— деди у.

— Оппоқ қизим, ахир, менинг қайси бир ишимга ёрдам берасан. мен ишламасам. Бир кекса пенсионерман-ку!—дедим.

— Ўзингизга-чи? Сизнинг соғлиғингизга қараб тураман, керак бўлса дори-дармонлар келтираман, уй юмушларингизга қарашаман, — деди қиз мулойим овози билан. Бу сўзлардан хонам жудаям ёришиб кетгандай бўлди. Ҳамшира қизим кўнмаганимга қўймай уйларимни тозалади, сув келтирди, ҳатто овқатларимни ҳам пиширди берди. Шу кундан бошлаб у ҳар куни эрталаб кириб келади. Мендан ҳол-аҳвол сўрагач, дарров ишга киришиб кетади. Бир неча ойдан бери ўзимнинг ёлғизлигимни бутунлай унутдим, ўзимга чинакам фарзанд топдим. Энди саломатлигим ҳам анча дурустдай. Бир қариялларга шунчалик иззат-ҳамхўрликлар... Раҳмат сизларга, болаларим, айниқса шу олижаноб ишни ташкил этган қизил ярим ой жамиятидан, кейин жамиятга жон қуйдириб ишлаётган ҳамширалариинг ҳаммасидан миннатдорман».

Бу сўзлар — Тошкентнинг Шаҳрисабз кўчасидаги 200-уйда яшовчи А. А. Счастливцеванинг қалб сўзларидир. Қизил Ярим Ой Жамиятининг Тошкент шаҳар комитети ҳузурида ташкил этилган медицина ҳамширалари бюросига шундай мазмундаги табрик хатлари тез-тез келиб туради.

Бюрода 25 та ҳамшира хизмат қилади. Унинг ташкил этилганига августда бир йил бўлади. Ана шу давр мобайнида 25 ҳамшира қанча-қанча мўйсафид, инвалидларга хизмат қилди. Уларнинг қарилиги, ногиронлигини билдирмай, дардларига малҳам бўлишди.

Мана, суратда бир-бири билан ёнма-ён турган ишчан ҳамшираларидан Раиса Овсянникова ва Екатерина Ляшченколар. Улар Ленин районидаги 2-поликлиникага биркитилган шу райондаги қариялар, инвалидлар хизматида.

Чексиз миннатдорчиликлар ана шу икки меҳрибон ҳамширага номига ҳам ёзилган. Ҳамшираларнинг асосий вазифаси— пенсияга чиққан, аммо қаровчиси бўлмаган қарияларимиз, инвалидлик сабабли ишга қобилиятсиз бўлиб қолган кишиларимизга ҳар томонлама ёрдам бериш, қисқаси—уларга фарзандлик бурчини ўташдан иборат.

Дастлаб бу ташаббусни москваликлар бошлаб беришган эди. Улардан ўрнак олган тошкентликлар ҳам бу соҳада олижаноб ишлар қилмоқдалар.

Ҳимматингизга балли, ҳамшира қизлар!

Ф. УСМОНОВА.



Суратда: (чапдан) Раиса Овсянникова билан Екатерина Ляшченко ўртоқлар. А. Абалян фотоси.

„ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ“

2-БЕТ, 12 МАЙ 1961 ЙИЛ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» хатингизга жавоб берди

«КВАДРАТЛАР ҚАНИ?»

Юқори Чирчиқ районидаги «Ленинизм» колхозининг раҳбарлари чигитни квадрат-уялаб экиш ва тўла гектар учун кураш ишларига эътиборсизлик билан қараётганликлари ҳақидаги танқидий материал газетамизнинг 25 апрель сонида юқоридаги сарлавҳа билан босилиб чиққан эди.

Район партия комитетининг секретари М. В. Кимнинг редакцияга маълум қилишича, мақола район партия комитети бюросининг мажлисида муҳокама қилинган. Мақолада келтирилган фактларнинг ҳаммаси тўғри деб топилган ва йўл қўйилган хато-камчиликларни бартараф қилиш юзасидан бир қатор амалий тадбирлар белгиланган. Колхоз раҳбарларига ҳар бир гектар майдонда ғўза тупларининг белгиланган миқдорда бўлишига эришиш, қатор ораларини узунасига ва кўндалангига ишлашни тўғри ташкил қилиш юзасидан кўргазмалар берилган.

Колхоз раиси Т. Тожибоев, партия комитетининг секретари Ш. Йўлдошев, агроном А. Асилов ўртоқлар чигит экиш ишига масъулиятсизлик билан қараганликлари учун қаттиқ огоҳлантирилганлар.

БАҒДОДЛИК ПИЛЛАЧИЛАРДАН ЎРНАК ОЛАЙЛИК!

ПИЛЛА ТОПШИРИШНИ ЖАДАЛЛАШТИРАЙЛИК

Областдаги илғор пиллачилар қурт боқишни намунали ташкил этиб давлатга дастлабки пилла ҳосилини топшириб, яхши натижаларга эришмоқдалар. Бекобод, Оққўрғон, Сирдарё районларидаги хўжаликлардан тайёрлов пунктларига дастлабки бир неча юз килограмм пилла ҳосили келиб тушди.

Бироқ областнинг кўпгина колхоз ва совхозларида баҳорги пилла қурти боқиш ҳали қониқарсиз уюштирилган.

Асосий пилла қуртларн тўртинчи ва бешинчи ёшга кирганлигига қарамасдан, қуртлар кўп жойларда нормал хоналар билан таъминланмаган. Шунинг г д е к қуртхоналарда зарур шароит яратилмаган, хонанинг ҳарорати, намлилик даражаси етарли эмас. Барглар ўлчанмасдан, пала-партиш берилмоқда. Уларнинг ҳаммаси пилла қуртларининг нотекис ривожланишига олиб келмоқда.

Айниқса Бўстонлиқ, Пискент, Янгийўл районларидаги колхоз ва совхозларда пилла қуртлари боқиладиган хоналар талабга жавоб бермайди. Бу районлардаги кўпгина қуртхоналар 50—60 ўринга 25—30 квадрат метрни ташкил этади, холос. Барглан тежаб-тергаб фойдаланилмайди.

Бўстонлиқ районидаги «Чирчиқ», «Қизил ту» колхозлари ҳамда 10-боғдорчилик совхозида қуртхоналар ўз вақтида тайёрланмаганидан пилла қуртлари фанерлар устида ҳатто кроватларда боқилмоқда.


Ҳали кўпгина колхоз ва совхозлар табиий ўтлардан дасталар тайёрлашга киришмаганлар. Буларнинг ҳаммаси жиддий ташвиш туғдиради. Район партия ва совет ташкилотлари рўй берган бу жиддий аҳволни тузатиш учун, пилла қуртлари боқишни юқори савияда ташкил этиш ва баҳорги пилла қурти боқиш ҳисобига планнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш учун ҳамма чораларни кўришлари лозим.

Барча колхоз ва совхозларда пиллачилик звенолари устидан доимий контролликни кучайтириш зарур. Хоналар нормал ҳолга келтирилсин, қуртларга ўз вақтида барг етказиб берилиши лозим. Бунда баргдан ниҳоятда тежаб-тергаб фойдаланишга катта эътибор бериш лозим.

Пилла қуртларига бериладиган баргни камайтирабориш кайфиятига сира йўл қўймаслик лозим. Шунга эришиш керакки, қуртларга уларнинг ёшлигида суткасига кам деганда 10 марта, катта ёшга кирганида эса 5—7 мартаба барг солиш, тунда барг беришни ҳам ташкил этиш шарт.

Пиллачилик бригадалари составида қуртлар учун барг тайёрлаб берадиган звенолар бўлиши мақсадга мувофиқдир. Улар зарур миқдордаги транспорт воситалари билан таъминланиши керак. Баргни мумкин қадар эрталаб ва кечқурунлари кесиб келтириш лозим. Барг кундуз кунлари кесилса, сўлиб қолади ва сифатини йўқотади.

Ҳар бир район, колхоз ва совхозларда илғор пиллачиларнинг тажрибасини оммалаштиришга эътибор берайлик. Бу звеноларнинг пилла қуртини боқишни муваффақиятли ташкил этиб, қандай қилиб мўл ҳосил олганликлари ва баргдан тежаб-тергаб фойдаланиш соҳасидаги усулларидан ҳаммани хабардор қилайлик.



ПИЛЛА ДЕМАНГ, ТИЛЛА БУ!

Зуҳра Гоголь номли мактабнинг 7-синфида ўқийди. Бу йил эрта кўкламда у дугонаси Норхон билан бирфикрга келишиб, мактабда боқиладиган қурт парваришига қатнашишга аҳд қилди.

Мактабнинг пиллачилик тўгараги аъзолари икки қути пилла қуртини жадал усул билан боқишга киришдилар. Қуртларга ўз вақтида барг етказиб бериб турилди. Хоналар белгиланган иссиқликда сақланиб вақти-вақти билан шамоллатиб турилди. Натижа ёмон бўлгани йўқ. Ҳар қутисидан юз килограммдан пилла оламиз, бу тўгарак аъзоларининг ўз олдиларига қўйган мақсадлари шу эди. Энди бу мақсад амалга ошмоқда. Қурт боқишда актив иштирок этган Зуҳро Турғунбоева, Норхон Умароваларнинг ғайрати туфайли ҳосил мўл етиштирилди. Пилла топшириш қизғин бошланди.

Оққўрғон районидаги шу мактаб жойлашган «Ленинобод» колхози пиллачилари ҳам элни атлас шоҳига буркайдиган пилла етиштиришни кўпайтириш учун астойдил курашдилар.

Колхоз аъзоси Жаннат Ҳайдарова бир қути қурт уруғидан юз килограмм пилла ҳосили етиштиришга аҳд қилган эди. Ҳозир у теримни бошлаб юборди. Ҳосил мўл, Жаннат ўз вазифасининг устидан чиқади. Сиз Жаннатга пилла ҳақида гапирсангиз у «Пилла деманг, тилла денг» дейди. Бу унинг ўз касбига қанчалик муҳаббат қўйганлигини кўрсатиб турибди.

Суратда: (чапдан) Зуҳра Турғунбоева, ва Жаннат Ҳайдарова ўртоқлар ўзлари етиштирган пилла эмас, тиллалари билан.
М. Шевелев фотоси.

ЗАРИФА ЕТИШТИРГАН ҲОСИЛИНИ ЙИҒИБ ОЛЯПТИ

Зарифа ёш пиллачи. Уни колхоздагилар ҳурмат қилишади, жуда ҳаракатчан, чаққон қиз. У ана шу фазилатлари билан йил сайин пилладан юқори ҳосил олиб келмоқда. Зарифа ўтган йили ҳар бир қути қурт уруғидан берилган топшириқдаги 52 килограмм ўрнига 135 килограммдан пилла ҳосили йиғиб олди.

Ҳаракатчан пиллачи Зарифа бу йил ҳам қурт боқиш мавсуми бошланиши биланоқ ишга енг шимариб киришиб кетди. Қурт боқиладиган хоналарни мавсумга тахт қилиб қўйди. У инкубаториядан қуртлар эндигина келтириши биланоқ уларни алоҳида меҳр билан парвариш қилабошлади. Унинг қуртлари катта бўлган сари баргни ўз вақтида ва янгилигида бериб турди. Хона ҳароратини қуртларнинг аҳволига қараб ўзгартириб турди. Мана ҳозир унинг қуртлари беш даҳада ҳам касалликка учрамай соғлом чиққани сабабли ёппасига дастага кирди.

— Шу кеча-кундузда, — дейди Зарифа Набихонова етиштирган ҳосилимизни йиғиб олаяпмиз. Бу йил икки қути қурт уруғи боқаяпман. Менинг бу йилги аҳдим ҳар қутидан 135 килограммдан ҳосил йиғиштириб олиш. Бу аҳдимнинг устидан чиқаман.

Зарифанинг касбдош дугоналаридан С. Раҳматова, Е. Рашидова У. Айтметова ва М. Шокирова синғари пиллачилар ҳам ҳар қути қурт уруғидан 120 килограммга етказиб ҳосил йиғиб олиш учун шу кунларда ғайрат билан ишлаётирлар.

С. НИЗОМБОЕВА.
Калинин районидаги К. Маркс номли колхоз.

НОВАТОР ЧЎПОННИНГ ИЗДОШИ

Жиянқул Кўпбоев абжир йигит. Уни бир кўришдаёқ бунга ишонч ҳосил қиласиз. Шунинг учун ҳам бу ерларда улоқ чопилса, тўдани кўп вақт Жиянқул чавондоз ёриб ўтади ва улоқни тикка маррага олиб боради.

Бироқ, унинг донг чиқариш, ҳурмат ва обрўга сазовор бўлишига чавондозлиги эмас, балки меҳнатсеварлиги, янгиликка интилиши ва жамоат чорвачилигини юксалтиришга йўлида кўрсатаётган жонбозлиги сабабчидир.

Ўтган йилнинг эрта кўкламида Аччиқкўл ва Бойқобил массивида бўлиб ўтган чўпонлар йиғилишида район бош зоотехниги ставрополлик новатор чўпон Иван Малашенко қўйларни янги усулда боқиб, совлиқлардан ҳар икки йилда уч марта қўзи олишга муваффақ бўлаётганини ва бу усулни жорий қилиш зарурлигини айтди. Шунда баъзи чўпонлар: «Кўрпага қарзб оёқ узатиш керак. Бизнинг яйловларимиз чаласаҳро яйловлари-ку. Қўйларимиз бир йилда атиги икки ой кўк майса ейди. Сувимиз аччиқ. Малашенко усулини бизнинг шароитга қўллаб бўлмайди», — дейишди.

Илғор чўпонларнинг тажрибаси бу кишиларнинг даъвосини рад этди. Ҳамма гап ем-хашакнинг етарли бўлишига ва чўпоннинг тиришқоқлигига боғлиқ экан.

Жиянқул ака ўз отарида совлиқларни қисқартирилган муддатда қўзилатиш усулини жорий қилиб, новатор чўпоннинг изидан биринчилар қатори борди. Севимли касбида 12 йилдан бери ишлаб келаётган бу моҳир чўпон ўз отаридаги 300 бош совлиқни икки йилда уч марта қўзилатиб, ҳар 100 бош совлиқдан 380 бошдан қўзи олишга аҳд қилган эди.

Манзил томон икки километр йўл босилар-босилмас яйловда ғарбишимолдан шарқи-жанубга қараб ёмғир аралаш шамол кўтарилди. Қарши томондан кўтарилган бу кучли шамол йўлни тўсиб қўйди. Бундай пайтларда қўйларни манзил томонга қараб ҳайдаш уёқда турсин, ҳатто бир жойда тўплаб туриш ҳам қийин иш эди. Саботли чўпон ярим кечагача табиат ўжарлиги билан курашди. Отаридаги барча қўйларни сақлаб қолиб, тонг ёришганда қўрага етиб келди...

Жиянқул ака ўзи эришган ютуқлар билангина кифояланиб қолмайди. У КПСС Марказий Комитетининг январь Пленуми қарорларига амалий иш билан жавоб бериб, р е з е р в л а р д а н тўлиқ фойдаланишни асосий вазифа қилиб қўйган. Қўйчиликда новатор чўпон Малашенко усулини кенг жорий қилиб, гўшт ва жун етиштиришни кўпайтириш керак. Бизнинг шароитда совлиқларни икки йилда уч марта қўзилатиш мумкин эканлигини ўз тажрибаси билан исботлади. Буни бўстонлиқлик илғор чўпон Эштоев ҳам яққол исботлаб берган эди.

Бойқобул массивидаги яйловда Чиноз районидаги «XXI партсъезд» колхозининг илғор чўпони Жиянқул Кўпбоев қўйчиликка янги прогрессив усулни жорий қилиб, катта ютуқларни қўлга киритмоқда ва олижаноб мақсад билан яшамоқда.


Мақсадингизга етинг, кенг яйловлар шунқори!

В. ХОЛМАТОВ.

МЎЛ ҲОСИЛ ОЛИШ УЧУН

БЎСТОНЛИҚ. Карл Маркс номли колхознинг Ховдойлиқ участкасида меҳнат қилаётган Ш. Тоймонов ва М. Болтабоев ўртоқлар бошлиқ бригадалари аъзолари бу йил 80 гектар ерга помидор кўчати экиб, ҳар гектар ердан 20-25 тоннага етказиб ҳосил олишга аҳд қилдилар. Бригада аъзолари ҳозиргача парникларнинг 45 траншеясига помидор уруғи сепиб, текис ундириб олдилар. Бу ишларда Д. Раҳимов, Ш. Шораҳимов, Б. Қодирова, Р. Судирова, Н. Мирмусаева каби ўртоқлар фидокорона меҳнатлари туфайли ҳамкасблари орасида ҳурматга сазовор бўлмоқдалар.

Т. ТУРОБОВ.



Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхозининг ўртоқ Ли Любовь бошлиқ бригада аъзолари ўтган йили 100 гектар ернинг ҳар гектаридан 1850 центнердан кўкпоя, 138 гектар ернинг ҳар гектаридан 63,3 центнердан маккажўхори дони олишга муваффақ бўлиб, рекорд қўйган эдилар. Бригада аъзолари бу йил ҳар гектар ердан 1900 центнердан кўкпоя, 70 центнердан маккажўхори дони олиш учун астойдил курашмоқдалар. Суратда: ўртоқ Ли Любовь бригадасида маккажўхори қатор оралари биринчи марта культивация қилинмоқда.
Р. Шамсиддинов фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

Боғ-роғлар кўпайсин

Жойнинг ободлиги дарахт билан дейдилар. Буни «Оққўрғон» совхозининг 5-бўлим ишчилари яхши билишади. Шу сабабли ҳам бу ерда янгидан-янги боғлар барпо этилаётир. Кейинги пайтларда 17 минг туп мевали кўчат ўтказилган эди. Кўчатлар барг ёзди.

М. Хўжаев.

Юқори Чирчиқ. Калинин номли колхозда янгидан 5 гектар ерга олма кўчати экилган эди. Кўчатлар бехато кўкарди.

Ш. Йўлдошев.

Сталин номли колхоз Калинин районида ўзининг ширин-шакар узуми билан машҳур. **Колхоз ўтган йили давлатга ҳар гектар тондан 8 тоннадан узум топширди.** Бу ерда ҳосилдорликни янада ошириш учун кураш қизғин давом эттирилаётир.

М. Орипов.

ЎТДА ТОБЛАНИШ



Перронда одам кўп. Ҳа демай состав Москвага йўл олиши керак. Февзи с о а т и г а қаради: беш минут қолибди.

— Энди бизга жавоб, — деди у.

Февзи ў з и н и кузатгани чиққан дўстлари билан қучоқлашиб, ўпишиб хайрлашди-да вагонга чиқиб кетди. Ҳудди шу пайт состав ўз ўрнидан аста-секин қўзғалди. Тун ўз чодирини борлиққа ёпаётганда Февзи ташқаридан кўзини олдида, яхшилаб жойлашиб ётиб олди. Анчагача шипдаги бир нуқтага тикилганича қолди. Кейин кўзини юмди. Шу пайт ўзи ишлаётган қадрдон цехи кинолентасидек кўз олдида намоён бўлди.

...Бу воқеа бундан икки йил муқаддам содир бўлган эди. Февзи қуюв цехига кирганида, печдан эритма чиқарилаётганди. Суюқ эриган металл 7 тонналик ковшда алангаланиб, учқунлари атрофга сочиларди. Улар Февзининг оёқлари гагига ҳам тушарди. «Жонли нарсаларга ўхшайди-я». у завқ билан тамоша қилар экан кўнглидан шу гаплар ўтди. «Мендан пўлат эритувчи чиқармикан» деган фикр миясида чақмоқдек чақнади.

— Йўлдан қочинг! — деган китоб эшитилди.

Февзи тезлик билан ўзини четга олди. Пўлат эритувчининг шогирди ковш билан чопиб ўтиб кетди. Печдан эритма олишга тайёргарлик кўрилмоқда эди. У хаёл суриб турганида кимдир «Бизга келдингми?» деб сўради. Бундай қараса, кенг яғрини, бақувват бир йигит олдида турибди.

— Йўлаяпман — иккиланиб жавоб берди у.

— Нимани ўйлайсан. Оламда бундан яхши иш борми? Пўлат эритиш ҳунарларнинг пошшохони.

* * *

Шихтачилик касби унчалик мураккаб эмас. Февзи бу ҳунарни тез эгаллади. Аммо Февзи печни шихта билан тўлдиришда ўзига хос усул қўлланди. Жонбековнинг шихтани жойлаштиришига қойил қолган пўлат эритувчилар ўз сменаларида Февзи ишлашини хоҳлар эдилар.

— Бу шихтачи печни тўлдирдими — 5 тонна деибер, — ҳазиллашарди пўлат эритувчилар.

Кўпни кўрган, суяги шу ишда қотганлар эътироз билдирардн:

— Шихтачи бўлганда ҳам одатдагиларидан эмас.

Февзи тажрибали пўлат эритувчиларнинг ҳар бир сўзини диққат билан тинглар. ишларини эса зимдан кузатарди. У аллақачонок фикрян пўлат эригиб ҳам кўрган эди. Нима бўлдию бир куни пўлат эритувчининг ёрдамчиси Роман Пономарев ишга чиқмай қолди. Ой охири. металл ҳаводек зарур.

— Февзи Романнинг ўрнида ишлайсанми? — сўради шунда тажрибали пўлат эритувчи Семён Савин.

— Лойиқ топсангиз, ишлаб кўрамиз...

Февзи ўз қулоғига ишонмай. Семённи қучоқлаб ўпгиси. саволни қайтадан сўргиси келарди. Ёш ишчининг қувончини кўрган дўстлари уни чин юрагидан ҳар қадамда самимий габриклар. билмаганларини ўргатар эдилар. Шундай қилиб, Февзи пўлат эритувчи бўлиб қолди Сўнгра махсус курсда ўқиб. уни муваффақият билан тамомлади Бу вақтда тўртинчи электр эритиш печини монтаж қилиш тугалланаётган эди. У ярим автомат равишда бошқарилади. Шихталар механизация воситаси билан тўлдирилади.

— Бу ҳақиқий печь.— деди хурсанд бўлиб Февзи.— шихтачи ҳам. электродларни тузатувчи ҳам керак эмас. ҳаммасини автомат бошқаради

— Сени янги печга пўлат эритувчи қилиб қўйсалар-а — деди касбдошларидан бири.

Февзи аввалига хурсанд бўлди. лекин унинг чеҳрасида пайдо бўлган севинч аломатлари бир зумда сўнди.

— Менга ишонмайдилар.— деди у хўрсиниб.

Шу вақт цех бошлиғининг кабинетида янги печга кимни қўйиш тўғрисида зўр тортишув кетмоқда эди.

— Янги техника. шу сабабли уни ёш пўлат эритувчига ишониб топшириш мумкин эмас.— деди цех технологи Лебедов.— Бизда Эшматов, Габдурахмонов, Савин каби гажрибали пўлат эритувчилар бор. Ўшалардан бирини қўйиш маъқул

— Булар ўзларининг маҳоратларини эски печларда кўрсатсинлар. янгисини ёшларга бериш керак.— деб эътироз билдирди цех бошлиғининг ёрдамчиси Виктор Михайлович Липилин.



Февзи ЖОМБЕКОВ.

— Тўғри. мен ҳам шу фикрга қўшиламан.— деди эритиш бўлимининг мастери Сурин Асриянц.

— Биринчи эритмани кимга топширамиз? — деди цех бошлиғи Геннадий Дмитриевич.

Сукунатдан фойдаланган Липилин:

— Менинг фикримча, Жомбековга топшириш керак,— деди.

— Мен ҳам шу фикрдаман,— деди Нагулин.

— Йўқ. сиз ҳазиллашаяпсиз. Виктор Михайлович.— деди бу хабарни эшитган Февзи севинчидан.

— Бу ерда хеч қандай ҳазилпазил йўқ. Тайёрлан, ярим кечаси печни ёқамиз.

...Февзи Жомбеков зўр ҳайжон билан вахтани ўтказди.

Москвага кетиш олдидан Февзи ҳаётида кўнгилсиз воқеа рўй берди. У эритмани меёридан ўтказиб юборди. Натижада металл чуқурга ағдариб ташланди.

— Жуда зўр иш бўлди-ку, бемалол беш тонна ёзавер,— кимдир ҳазиллашди.

Февзи ғазаб билан орқага қараса. старший мастер келаяпти.

— Мен сизни уялтириб қўйдим Сурен,— деди у зўрбазўр. Унинг кўз олди қоронғилашиб, баданини м у з д е к тер босди.

— Изтироб чекаяпсанми?

Февзи ҳеч нарса демай. орқасига ўгрилди-ю, кўздан гойиб бўлди.

— Металл нима учун брак бўлганини аниқладингми?.— сўради Нагулин.

— Энди аниқладим. Биласизми...

Февзи йўл қўйилган камчилик сабабларини бирма-бир тушунтириб, сўзининг охирида секингина:

— Шунча қўнгилсиз воқеалардан кейин қаёққа бораман. Харьковга мендан бошқа одамни юборинглар, — деди.

— Яхши, ўйлаб кўрамиз,— деди бошлиқ.

Февзи оҳисга чиқиб кетди. Липилинни шу заҳотиёқ цех бошлиғи чакиради.

— Буйруқни тайёрладингизми? Кимлар рўйхатга кирди? Жомбеков борми?

— Йўқ. У эритмани брак қилди.

— Жомбеков сўзсиз ёзилсин. Липилин бундан ажабланиб, мўйлабини бураб қўйди.

— Шундай. Виктор Михайлович, — Нагулин стулдан турди, — Жомбековда пўлат эритувчининг қалби бор. Бошқа киши шу ишни қилганда қаттиқроқ сўкиниб қўяр. кейинчалик эса бўлари бўлди... деб кетаверади. Февзичи? У ўйлаяпти, азоб чекаяпти...

— Албатта.

... Февзи кўзини очди. Тун ўз қанотини ёйибди, вагон ойналаридан қоронғулик тушмоқда. Харьков тракторчилари қандай кутиб оларкинлар? У ерда қандай янгилик, фойдали нарсаларни кўраркин... Учрашувлр тўғрисида ўйлаб ва ғилдираклар товушига сел бўлиб, у яна уйқуга кетди.

* * *

Харьковликлар серқуёш ўлканинг вакилларини азиз меҳмонлардек самимият билан кутиб олдилар.

Қудратли машинасозлик заводини кўриб ҳайрон бўлган Февзи беихтиёр:

— Завод жуда баҳайбат-ку. — деб юборди.

— Биз ҳам ўсиб, улгайяпмиз. Трактор чиқаришни кўпайтираяпмиз,— деди меҳмонларни кузатиб борувчи. — Мана бу қуюв цехи...

— Печлари бизники сингари янги.—ўйлади Февзи. —Буларники жуда кўп. Бир, икки... саккиз... ўнбеш, —дедию ҳисобдан адашди. Металл эритмаси дарёдек оқади. —Булар тракторлар учун. —деб пичирлади.

Баланд бўйли. кенг яғринли. оқ наматдан шляпа кийган киши Февзининг олдига келиб:

— Нима тўғрида хаёл сураяпсан, дўстим?— деди.

— Шундай, ўзим, —деди у тортиниброқ.

— Қани танишиб қўяйлик: Фамилиям Вахуленко, отим Семён.

— Февзи Жомбеков...

— Бизнингча, Федор шундайми?

Эртаси куни Федор ва унинг дўстлари қуюв цехида ишчилар билан тенг ҳуқуқли бўлиб ишладилар. Жомбековни Вахуленкога бириктиб қўйганларида икки дўст ниҳоятда хурсанд бўлдилар.

— Бугун қараб тур, эртага ўзинг пўлат эритасан. Яхшими?

— Яхши! — жавоб берди Февзи украин тилида.

Жомбеков янги дўстининг пўлат эритишига қунт билан кузатмоқда. Вахуленко ишлаётган печь пўлатни қуйишга тайёрларди. Унинг ёрдамчиси эритилган пўлатдан намуна келтирди. Вахуленко унинг совуш процессини диққат билан кузатиб турди.

— Яхши, — деди ниҳоят у. — Грицько, ковш тайёрла!

Февзи Вахуленкога яқинлашиб:

— Семён, лаборатория кўрмайдими? — деб сўради.

— Нима учун? — таажжубланди Вахуленко.

— Марганец ва кремний процентлари аниқланмаса...

— Кўзинг борми? Бор! Тобидан ўтказиб юбориш деган нарса бизда бўлмайди. Менинг ис билиш органим бошқаларникидан яхшироқ тараққий этган. — Аммо Февзи кулмай, бир нуқтага тикилиб турарди. — Қўябер, лабораториясиз аниқлашни сенга ҳам ўргатиб қўяман.

Ишдан кейин Семён Вахуленко совуётган металлнинг рангига қараб, унинг таркибида марганец ва кремнийдан неча процент борлигини аниқлаш тўғрисида узоқ вақт тушунтирди.

Эртаси куни харьковликлар ўзларининг назарияларини практикада мустаҳкамлашга аҳд қилдилар. Эритма тайёр бўлганда, Семён ўзининг ёрдамчисини металл билан лабораторияга анализга юборди.

— Ҳозир анализ натижасини олиб келиб, марганец ва кремний 0,63 процент, — дейди.

— Нима ҳам дердик. Кўрамиз...

Бир неча минутдан кейин ёрдамчи чопиб келди.

— 0,96 процент, — деди шошкин солиб у.

Семён қизариб кетди.

— Нотўғри, қани менга берчи, — Вахуленко металлга қаради. — Мана буни олиб бор, агар 0,63 процент бўлмаса...

Ёрдамчи яна лабораторияга чопиб кетди. У, қайтиб келгунга қадар Вахуленко асабийлашиб, дераза олдида у ёқдан-бу ёққа юрар, дераза ойнасини қадоқ қўллари билан чертиб-чертиб қўярди.

— Семён, сеники тўғри. 0,63 процент экан. — деганнинг нариги бошидан ёрдамчининг овози эшитилди.

Семён Февзига кўз қирини ташлаб қўйди.

Вахуленконинг раҳбарлигида Февзи тўққизта оғир вазндаги эритмани тайёрлади. Семён ҳам ўз навбатида ўзбек пўлат эритувчиларидан кўп нарсалар ўрганди. Февзи касбдошига электр энергияси ва электродларни иқтисод қилиш, шунингдек шихтани зичлаб кўпроқ жойлаштириш каби йўлларини ўргатди.

— Раҳмат, мана бу олижаноб иш, — Семён Февзининг қўлини самимий қисди. — Биз бундан озмунча ютмаймиз.

Юрак уришлари ҳамоҳанг бўлган дўстларнинг хайрлашув вақти келди. Жомбеков Семённи ва унинг ҳамкасбларини серқуёш ўлка— Ўзбекистонга таклиф этиб, технологик жараёнда бироната янгилик бўлса, дарҳол хабар қилиб туришни илтимос қилди. Семён эса бажонидил хабар қилишини айтиб, «алоқани янада мустаҳкамлаймиз» деб ваъда берди.

В. СКОРОДУМОВ,
«Чирчиксельмаш» заводи.

„ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ„
3-БЕТ, 12 МАЙ, 1961 ЙИЛ.

ПОЙТАХТИМИЗ ОЗОДА ВА ГЎЗАЛ БЎЛСИН!

☆ ☆ ☆

АРХИТЕКТОРЛАР ОТАЛИГИДА

Бундан икки ой муқаддам Ўзбекистон архитекторлар союзида архитекторларнинг умумий мажлиси бўлиб ўтди. Унда шаҳарни ободонлаштириш ҳақидаги масала муҳокама қилинди ва архитекторлар бу ишни ўз оталиқларига олишга қарор қилдилар.

Ана шу қарор асосида етти кишидан иборат оталиқ комиссияси ташкил этилди. Бу ишда иштирок этишни хоҳлаган барча архитекторлар бригадаларга бўлинди. 4—6 кишидан иборат бўлган ҳар бир бригадага шаҳарнинг бир участкаси ёки магистрали ҳамда алоҳида объекти (пионерлар саройлари, парклар, мактаблар ва ҳоказо) тақсимлаб берилди. Бригадаларга архитекторлар союзининг аъзолари бўлган ёш кадрлар бошчилик қилмоқда.

Оталиқ комиссияси ҳузурида консультация бюроси ҳам ташкил этилди. Унга турли касбдаги мутахассислар-ирригаторлар, шаҳарни кўкаламзорлаштирувчилар, йўл қурувчилар ва бошқалар киритилди.

Комиссия ва оталиқ бригадаларининг мақсад ва вазифаси шаҳарни ободонлаштириш ишига ҳар томонлама ёрдам беришдан иборат. Ишни оталиқ бригадалари фаолиятининг дастлабки планини ишлаб чиқаришдан бошладик. Бунда район ижроия комитетлари раҳбарлари билан учрашиш, комиссия ва бригада аъзоларининг шаҳар билан танишиши ва вазифани аниқлаш мақсадида жойларга бориши кўзда тутилган.

Ҳамма бригадаларга кўчаларнинг катта масштабда чизилган плани тарқатилди. Бу планда шаҳар кўчалари, парк ва скверлар қиёфасини яхшилаш юзасидан қилинадиган ишлар аниқ кўрсатилган. Ҳар бир бригада шаҳарни безатиш юзасидан эскизлар ишлаб чиқиши керак. Бу эскизлар шаҳарнинг бош архитектори ҳузурида ташкил қилинган махсус бадиий комиссия томонидан кўриб чиқилади. Таклифлар шаҳар ижроия комитетининг тасдиғидан ўтгач, амалга оширилади.

Кичик формадаги ободонлаштириш ва архитектура белгилари (киосклар, павильонлар, электрофонарлар ва ҳоказо) учун ўртоқлик конкурслари ўтказиш мўлжалланмоқда.


Бундан буён барча ободонлаштириш ишлари рассомлар, гулчи-боғбонлар, реклама бюроси ва шаҳарни электрлаштириш бўлими ходимлари ҳамда бошқа мутахассислар билан бирга олиб борилади.

Шуниси қувончлики, архитекторларнинг таклифлари бошқа ташкилотларда ҳам қўллаб-қувватланди. Масалан, Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институтида ҳам шу территорияни ободонлаштириш учун оталиқ бригадаси тузилди. Бу бригадага ўқитувчи архитекторлар жалб қилинди.

Оталиқ бригадалари тузилган қисқа вақт ичида шаҳар ободончилиги ва озодалигини яхшилаш соҳасида сезиларли ишлар қилинди. Масалан, архитектор С. Моисеева бошлиқ бригада Шумилов номли паркни безаш ва ободонлаштириш ишида ғайрат кўрсатиб ишлади. Архитектор Л. Лезовская бригадаси эса М. Горький номли болалар паркини мавсумга тайёрлашда салмоқли ҳисса қўшди.

Бу ишда шаҳар жамоатчилиги, ўз шаҳрини севган ҳар бир граждан ҳисса қўшиши керак. Шундагина ишимиз унумли бўлади. Тошкентимиз ҳар қачонгидан ҳам кўркам тус олади.

Л. БОЙЧЕНКО,
архитектор.



Сиз кўриб турган суратда Аиҳор бўйидаги Юрий Гагарин номига қўйилган сквер тасвирланган. Бу ерда пойтахт меҳнаткашларининг оммавий хашари йўли билан, шаҳар ободонлаштириш бўлими ишчилари ғайрати туфайли ажойиб сайргоҳ бунёдга келди. Ҳозир бу ер шаҳар меҳнаткашларининг севимли дам олиш жойига айланиб қолди. Тошкентда ана шундай обод ва кўркам жойлар қанчалар кўп бўлса, пойтахтимизнинг ҳусн-жамоли шунчалик очилади.

А. Абалян фотоси.

ТОШКЕНТНИ ЯНАДА ОБОД ВА КЎРКАМ ҚИЛАМИЗ!

ҲАММА ЖОЙ ОЗОДА ВА САРАНЖОМ БЎЛСИН!

Оқар сувларни ҳамиша тоза сақлайлик!

«ЯШИЛ БОЙЛИК»НИ КЎПАЙТИРИБ, НОВ-НИҲОЛЛАРНИ АВАЙЛАБ ПАРВАРИШ ҚИЛИНГ!

Бефарқ қарай олмаймиз

Ҳар ким ҳам ўзи туғилиб ўсган шаҳрини севади. Шу сабабли ҳам киши бу шаҳарнинг ободончилиги, ташқи безаги ва озодалигига бефарқ қарай олмайди.

Тошкентликлар ўз шаҳарлари ҳақида қонуний фахрланиш туйғуси билан сўзлайдилар. Сўнгги йилларда пойтахт шаҳримиз жуда тез ўзгармоқда, борган сари обод бўлиб, гўзал қиёфага кираётир. Аммо шаҳарнинг ташқи қиёфаси ва санитария аҳволидаги жиддий камчиликлар кишини жуда ранжитади.

Кўпгина кўча ва тротуарларнинг кўриниши хунук. Улар вақтида ремонт қилинмайди. Ремонт қилинганда эса ишнинг сифати яхши бўлмайди. Айрим ўйдим-чўнқир жойлар ремонт қилинганда янги ётқизилган асфальт қўпол ямоққа ўхшаб ажралиб туради ёки ремонт қилинган кўча, тротуар сал кунда яна айнаб, қатновга ноқулай бўлиб қолади.

Ҳозирги вақтда шаҳарнинг деярли ҳамма марказий кўчалари ариқ лабигача асфальтланмоқда. Вақолаки, бундай қилиш кўчаларнинг ҳуснини бузиб қўяди. **Кўча билан ариқ ўртасида аниқ чегара бўлиб, ана шу оралиқ жойга дарахт нўчати ёки ўт уруғи сепиб қўйилса, қандай чиройли бўлади!**

Давлат янги массивлар, кўча четлари ва майдонларга дарахт кўчатлари ўтказиш учун ҳар йили анчагина маблағ сарфлайди. Бу — халқимизнинг яхши дам олиши, соғлом ўсиши тўғрисидаги катта ғамхўрликнинг нишонасидир. Лекин, афсуски, кўклам ва кузда экилган кўчатларнинг бир қисми сувсизлик, яхши парвариш йўқлигидан қуриб қолади. Уларни болалар ҳам синдириб, нес-нобуд қилади. Болаларда «яшил дўст»га нисбатан муҳаббат уйғотиб, уларнинг ғайратини кўчатларни парвариш қилишга сафарбар этиш лозим. Бу вазифани мактабларнинг раҳбарлари ва район комсомол комитетлари ўз зиммаларига олишлари керак. Масалан, ҳар бир мактаб ўқувчилари ўз яқинларидаги кўча ва майдондаги дарахт ҳамда гул кўчатлари парваришини оталиққа олишлари мумкин.

Шаҳарни санитария жиҳатидан тоза тутиш соҳасида давлат ташкилотлари билан бир қаторда жамоатчилик томонидан кўп ишлар қилиниши керак. Жамоатчилик кўча ва майдонларни, оқарсувларни ифлослайдиган ноинсофларга ўз таъсирини ўтказиши, танбеҳ бериши керак. **Бизнингча, ўзи яшаб турган жойнинг озодалиги ва ободончилигига бефарқ қарайдиган шахсларга маъмурий жазо бериш ва штраф тўлашга мажбур қилиш керак. Бу ишда безори, алкоголь ва токинхўрларга қарши муваффақиятли курашаётган ёшлар яхши ёрдам беришлари мумкин.**

Бунинг учун район комсомол комитетлари алоҳида рейдлар ташкил қилсалар мақсадга мувофиқ бўларди. Рейд бригадалар эса кўча ва ҳовлиларнинг ташқи қиёфаси ҳамда санитария аҳволини назорат қилиб турсалар, айрим кишиларнинг кўча ва оқарсувларни ифлос қилишларига йўл қўймасалар ва қоровуллар ишини кузатиб турсалар анча яхши натижага эришилиши шубҳасиздир.

«Горсаночистка» трести ишида ҳам жиддий нуқсонлар бор. Тошкентдек шундай катта шаҳарда ҳалигача чанг сўрувчи машинанинг йўқлиги кишини ажаблантиради. Шаҳарни тоза тутишга катта хизмат қиладиган бундай машиналар Москва ва Ленинградда турна қатор бўлиб юради.

Шаҳар кўчаларида чанг кўп. Бунинг асосий сабабларидан бири шуки, машиналар аҳорнинг лойқа сувини олиб келиб, кўчаларга сепадилар. Бундай сув кўча чангини босиш ўрнига кўпайтиради.

Шаҳар ижроия комитетининг ободонлаштириш бўлими ана шу юқорида айтилган мулоҳазаларни эътиборга олиб, камчиликларни тугатиш учун тезликда зарур чоралар кўрса, жонажон пойтахтимиз бундан ҳам обод, озода ва гўзал бўларди.

Н. НОРМУҲАМЕДОВ — Ўзбекистон ССР Фанлар академияси кимё институтининг ходими.

Р. РАҲИМБОБОЕВ, — шу институт аспиранти.

ШАҲРИМИЗ ҲУСНИГА ДОҒ ТУШМАСИН



Шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимининг қоқ биқинидаги 19-ҳовли.

Ҳамшаҳарларимиз газета саҳифаларида Тошкентнинг гўзал манзарали жойлари тасвирланган фото суратларни кўришга одатланиб қолишган. Лекин биз пойтахтимиз янада обод, гўзал ва шинам бўлсин, унинг ҳуснига доғ бўлиб тушадиган айрим нуқсонлар таг-томири билан йўқолсин деган яхши ниятда саҳифада ана шу хунук манзараларни босиб чиқаришга журъат этдик.

Биринчи сурат шаҳарнинг Ленин кўчасидаги 19-ҳовлида олинган. Биз бу ерда санитарияга хилоф бўлган аҳволни кўриб, ниҳоятда афсусландик: ҳаммаёқ чанг, қоғоз парчалари сочилиб ётибди, ариқдаги сув ниҳоят даражада ифлос. Бу ҳовли атрофидаги бинолларга бўлса шаҳарнинг обрўли ҳатто ободончилик, озодалик билан бевосита шуғулланувчи, алоқадор бўлган ташкилотлар ҳам жойлашган. Бу ташкилотларнинг раҳбарлари суратда тасвирланган манзара олдидан қачонгача димоғларига дастрўмол тутиб, ўтиб юраркинлар? Ўз иш жойига, шаҳрига шунчалар бепарво қараш, ифлос тутиш, ўз шаҳрининг ватанпарвари, маданиятли совет кишисига сира ҳам яраша майдиган иш-ку!

Иккинчи суратга қаранг — бу шаҳардан ўтиб, ҳаммаёқни соя-салқин, обод қилишга хизмат этадиган катта Аҳор суви. Нуроний кексаларимиз, навқирон йигит-қизларимиз кечқурунлари шу сув бўйида ўтириб, ҳордиқ чиқаришади. Анаву бефарқ, ноинсоф аёлни кўринг, кишиларга ҳам, дов-дарахт ва гулларга ҳам ҳаёт бағишловчи муқаддас нарса — сувга ахлат тўкаяпти. Бу бефаҳм аёл — Раевнина Полиграфия проезди, 3-тупикдаги 7-уйда яшайди.

Шу 3-тупикда 200 дан ортиқ ҳонадон жойлашган. Уларнинг кўпчилиги ҳеч уялмай-нетмай Аҳор сувини булғайдилар. 22-уй бошқармасининг бошлиғи Нурмуҳамедов бўлса бу тартиббузарлар қилмишига тамошабин бўлиб тураверади. Шу ҳонадонлар атрофида ахлат яшиги, ҳовлиларда эса кир ўра йўқ. Аҳор бўйига жойлашган Ульянов маҳалласида ҳам (маҳалла комиссиясининг раиси Й. Зокиров) шундай манзарани кўриш мумкин. Октябрь ва Киров район ижроия комитетлари Аҳор сувини тоза сақлашга бевосита жавобгардирлар. Аммо улар бир неча йиллардан бери бу масалага совуққонлик билан қараб келмоқдалар.



Бу бефаҳм аёл — Раевнина сувга доим ахлат тўкади.

Сувни ифлос қилиш безориликнинг ўзгинасидир. Бизнингча, бундай бефарқ шахсларга қарши шаҳарнинг ҳамма жойида кескин курош бошлаш вақти келди, уларни бу қилмишлари учун жиддий масъулиятга тортиш керак.

Киров районининг полковник Хўжаев кўчасида тўқимачилик-трикотаж фабрикасининг 2-тўқув цехи жойлашган. Цех бошлиғи Д. Ароцкер ишлаб чиқариш планини бажариш ҳақида ўйлайди-ю, лекин ободончилик ва озодагарчиликка парвойи-палак. Мана, саҳифадаги учинчи суратда шу цехнинг ҳовлиси тасвирланган. Бу ерда ишловчи ишчиларнинг ҳам, фабрика ва цех раҳбарларининг ҳам сув ва ҳавони бузиб ётган шунча чиқиндини бир жойга тўплаб, пашшани кўпайтираётганлари кишининг ғазабини келтиради.

Шаҳардаги бошқа кўпгина саноат корхоналарида ҳам шу хилдаги манзарани кўриш мумкин. Республика Халқ хўжалик кенгаши ва шаҳар саноат бошқармаси бундай корхоналарда қатъий тартиб ўрнатишлари зарур.

Шаҳардаги деярли ҳамма районларда тоза тутилмайдиган ҳовли ва кўчаларни, саноат корхоналари территориясини ва сувни ифлос қилиш ҳолларини учратиш мумкин. Ободонлаштириш ва санитария масаласига бунчалар бепарво қараш ҳолларига бундан буён чидаб туриш мумкин эмас. Тошкент шаҳар ижроия комитетининг ободонлаштириш бошқармаси бу соҳада бурилиш ясайоладиган қатъий тадбирларни тезда ишлаб чиқиши зарур.



Тўқимачилик-трикотаж фабрикаси 2-тўқув цехининг ҳовлиси.

З. МУҲАММАДЖОНОВ.

Халқаро аҳвол

А. А. Громиконинг Женевада қилган баёноти

ЖЕНЕВА, 10 май. (ТАСС). Лаос масаласига бағишланган халқаро кенгашда қатнашмоқ учун СССР ташқи ишлар министри Андрей Громико бошчилигидаги Совет Иттифоқи делегацияси бугун бу ерга етиб келди.

Бу ерга етиб келгандан кейин Женева аэродромида А. Громико баёнот бериб айтдики, Совет ҳукумати Лаос проблемасини адолатли равишда ва кечиктирмай ҳал қилмоқ учун ўзининг бутун куч-ғайратини сарфлаш ҳамда Шарқи-Жанубий Осиёда уруш хавфи ўчоғини учириш ниятидадир. Биз, деди Громико, кенгашнинг бошқа иштирокчилари ҳам ана шундай йўлдан борадилар, деб умид қиламиз...

А. Громико Женева аҳолисига ва бутун Швейцария халқига салом йўллаб, энг яхши тилаклар билдирди.

Эрон янги бош министрининг баёноти

БОНН, 10 май. (ТАСС). «Ди Вельт» газетаси Теҳрондаги ўз мухбирининг Эрон янги бош министри Аминий билан қилган суҳбатининг баёнини эълон қилди. Мухбирнинг хабар беришича, Аминий Ғарб билан иттифоқ «Эрон ташқи сиёсатининг бундан буён ҳам негизи бўлиб қолади», деган. «Аммо, —деб таъкидлайди газета, — ҳукуматнинг бошлиғи Эрон Совет Иттифоқи билан яхши қўшничилик муносабатларини давом эттириши лозим, деб равшан гапирди. Шу сабабли Эрон ўз территориясида Америкининг ҳар қандай ҳарбий базалари бўлишига йўл қўймаслик учун қатъий ҳаракат қилади».

Суҳбатнинг кўп қисми Эроннинг ички сиёсий проблемаларига бағишланган. Аминий, жумладан, мамлакатда коррупцияга қарши курашиш мақсадида «юқоридан туриб ислоҳот» ўтказилажагини айтди.

Манолис Глезосга Ю. Гагариннинг мактуби

АФИНА, 10 май. (ТАСС). «Авги» газетаси космосга учиш муносабати билан юборилган табрикка жавобан Ю. Гагариннинг Манолис Глезосга юборган мактубини босиб чиқарди. Мактубда бундай дейилади:

Азиз дўстим, Манолис Глезос! Жаҳонда биринчи марта одамнинг космосга учиши амалга оширилганлиги муносабати билан юборган табригингизни олиб жуда хурсанд бўлдим.

Сизнинг совет халқига йўллаган самимий сўзларингиз учун чин қалбимдан ташаккур билдираман.

Мен ўз Ватаним — ғалаба қилган социализм мамлакати-илмий ва техника фикрининг буюк ютуқлари ватани бўлганлиги билан беҳад бахтиёрман ва фахрланаман.

Ўз халқингизнинг бахт-саодати учун саботли курашчилар бўлган Сизга ва дўстларингизга катта самимий салом йўллайман. Сизнинг тезроқ озод бўлишингизни истайман. Сиз билан шахсан суҳбатлашиш умидидаман.

Юрий ГАГАРИН.

ФРАНЦИЯ-ЖАЗОИР МУЗОКАРАЛАРИ 20 МАЙДА БОШЛАНАДИ

ПАРИЖ, 10 май. (ТАСС). Бу ерда расмий суратда эълон қилинишича, 20 майда Эвиан-ле-бен шаҳрида Франция ҳукумати билан Жазоир республикасининг муваққат ҳукумати ўртасида музокаралар бошланади.

Айни вақтда Тунисда Жазоир республикасининг муваққат ҳукумати томонидан худди шундай хабар эълон қилинган эди.

ҲИНД САНОАТЧИСИ — ЎЗБЕКИСТОН ССР САВДО ПАЛАТАСИНИНГ МЕҲМОНИ

Ҳиндистондаги энг йирик концернлардан бири — «Ака-ука Бирла» деган концернинг президенти Г. Д. Бирла жаноблари 11 майда Деҳлидан Ўзбекистон пойтахтига келди. У. Бутуниттифоқ савдо палатаси томонидан ССРга таклиф қилинган. Бирла жаноблари билан биргаликда Ҳиндистоннинг жамоат ва иқтисодий арбобларидан Н. Сундрейшн, Н. Батачария, Р. Тачтиа, К. Тапацаяк ҳам келдилар.

Г. Д. Бирла жаноблари ССРга қилинган сафарнинг мақсадлари ҳақида гапириб, ўзининг СССР билан Ҳиндистон ўртасидаги савдо алоқаларини ривожлантиришдан манфаатдор эканлигини ва Совет Иттифоқининг ютуқлари билан шахсан танишишни истаганлигини айтди.

Шу куниёқ меҳмонлар Ўзбекистон ССР Савдо палатасида бўлдилар. Тошкент тўқимачилик комбинатини бориб кўрдилар, шаҳарнинг диққатга сазовор жойларини тамоша қилдилар. (ЎзТАГ).

ТУРКИЯДА МЕНДЕРЕС ТАРАФДОРЛАРИ ҚАМОҚҚА ОЛИНДИ

ИСТАМБУЛ, 10 май. (ТАСС). Матбуотнинг хабарларига кўра, Туркияда ҳукуматга қарши фитна фош қилинганлиги муносабати билан жуда кўп кишилар қамоққа олинди. Қуролли чиқиш уюштиришга уринишда айбланиб қамоққа олинганлар сони етмиш кишига етади. Уларнинг кўпчилиги Мендерес демократик партиясининг собиқ аъзолари бўлиб, кейинчалик «адолат партияси»га кирган кишилардир. Улар Истамбулда, Измирда, Анқарада ва бошқа шаҳарларда қўлга олинган. Қамоққа олинганларнинг уйларида ўтказилган тинтув вақтида қурол-яроғ ва портлайдиган моддалар топилган. Бу кишилар, деб таъкидлайди «Ҳур ватан» газетаси, 27 май давлат тўнтаришининг йиллиги кунида ҳаракат бошламоқчи ва аввало, Ыссиада оролидаги судланувчиларни озод қилмоқчи бўлганлар.

20 МИНГ АФРИКАЛИК ЎЛДИРИЛДИ

ЛОНДОН, 10 май. (ТАСС). «Мустамлакалар озодлиги учун кураш ҳаракати» ташкилотининг бу ерда эълон қилган баёнотида «Анголадаги португалиялик маъмурлар камида 20 минг африкаликни ўлдирдилар», деб таъкидланади.

Шунингдек, баёнотда «португалиялик африкаликларнинг қўзғолонини бостиришга интилиб, яна неча ўн минглаб кишини ўлдирмоқчилар» дейилади.

СОВЕТ ГРАЖДАНЛАРИ—АМЕРИКА ФАН ВА САНЪАТ АКАДЕМИЯСИНИНГ ФАХРИЙ АЪЗОЛАРИ

НЬЮ-ЙОРК, 10 май. (ТАСС). Америка фан ва санъат академияси 10 майда Бостонда ўтказилган ўз мажлисида тўрт совет гражданини академиянинг фахрий аъзолари қилиб сайлади.

Булар академиклардан И. В. Тамм ва В. А. Энгельгардт, СССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси А. Е. Браунштейн ва СССР халқ артисти Давид Ойстрахлардан иборат.

Америка академияси фан ва санъат соҳасидаги атоқли арбобларини, шунингдек таниқлик, жамоат арбобларини ҳар йили ўзининг фахрий аъзолари қилиб сайлайди. Ўтган йили совет олимларидан А. Н. Несмеянов, Л. Д. Ландау, Н. Н. Боголюбов, Л. И. Седов ва СССР халқ артисткаси Галина Уланова академиянинг фахрий аъзолари қилиб сайланган эди.

ВЬЕТНАМ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЖЕНЕВАГА КЕЛДИ

ЖЕНЕВА, 10 май. (ТАСС). Лаос масаласига бағишланган халқаро кенгашда қатнашмоқ учун бугун бу ерга Вьетнам Демократик Республикасининг делегацияси келди.

Делегацияга Вьетнам Демократик Республикасининг ташқи ишлар министри Ўнг Ван Кхьем бошчилик қилмоқда.

ЛАОС МАСАЛАСИГА БАҒИШЛАНГАН КЕНГАШДА ҚАТНАШУВЧИЛАР ЖЕНЕВАГА КЕЛДИЛАР

ЖЕНЕВА, 10 май. (ТАСС). Лаос масаласига бағишланган халқаро кенгашда иштирок этмоқ учун Лаос бош министри вазифасини бажарувчи Киним Фолсена бошчилигидаги Лаос ҳукумат делегацияси ва Нео Лао Хак Сат партияси Марказий Комитетининг бош секретари Вонгвичит бошчилигидаги Нео Лао Хак Сат партияси делегацияси Женевага келди.

Телевизор экранида

12 МАЙДА

19.00 «Ғунча» телевизион журнали.

19.35. Телевизион янгиликлар.

19.55. Комментатор суҳбати (ўзбек тилида).

20.10. Рус тилида спорт хроникаси ва «Заречная кўчасида бахор» номли бадиий фильм ўзбек тилида.

21.50. Революцион этюд (рус тилида музикали телевизион инсценировка).

(«Тошкент ҳақиқати»нинг навбатдаги сони 14 майда чиқади).

Редактор М. ҚОРИЕВ.

Тошкентнинг тамоша гоҳларида

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 12/V да **Травната**, 13/V да **Майсаранинг иши**.

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 12/V да **Ганг дарёсининг қизи**, 13/V да **Фурқат**.

КИНО

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

Сўнгги залплар — «ВАТАН» (кундуз ва кечқуруи).

Евдокия — «МИР», «ИСКРА» (кўндуз ва кечқуруи).

Музика командаси йигитлари — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Аср тенгдоши — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН», «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун).

ЁЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

Номаълум одам — «ВАТАН» (кеч соат 8 ярим ва 10 да). НАВОИЙ номли (кеч 9 ва 10-40 минутда). ТЕЛЬМАН номли (кеч 8 яримда).

Сўнгги залплар — «ФЕСТИВАЛЬ» (кеч соат 8-45 минут ва 10 яримда).

Осмонга қараган дераза — КАФАНОВ номли (кеч соат 8-45 ва 10-20 минутда).

Юртдан узоқда (кеч соат 8 яримда), **«Кобра» операцияси** (кеч 10-15 минутда) — СТЕПАН РАЗИН номли

Номсиз орол — ТЕЛЬМАН номли (кеч соат 10-15 минутда).

Евдокия — ПУШКИН номли (кеч соат 8-40 ва 10-20 минутда).

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА
12, 13, 14 майда

эстрада концертлари

(Шодлик кечалари)

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Эргашхон Мирмаҳмудова, Убайдулла Мадраҳимов**, Қозоғистон ССРда хизмат кўрсатган артист **Жалол Осимов**, солистлардан **Фахриддин Умаров, Зокир Султонов, Тўхта Рисметова, Роза Қурбонова, Собир Маҳкамов, Турсун Кодирова, Эльбрус Мухитдинов, Омон Абдураззоқов** ва ўзбек чолғу асбоблари ансамбли қатнашади.

Интермедиялар автори ва режиссёри — Ўзбекистон ССР халқ артисти **Амин Турдиев**.

Программада: ашулалар, лапарлар, рақслар ва интермедиялар.

Концерт кеч соат 7 яримда бошланади. Билетлар кундуз соат 2 дан сотилади.

Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитети ва Тошкент шаҳар ижроия комитети СССР Главгазининг Ўрта Осиё бўйича вакили, Жарқоқ-Бухоро-Самарқанд-Тошкент газ қувури қурилиши бошлиғи.

Фёдор Анисимович БОРУТТОНИНГ

бевақт вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оиласига таъзия изҳор қилади.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси.

Р. 00868. Нашр. В. 1594.